



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 19-iyul, chorshanba № 57 (9018)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

Биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирилик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети"дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

Иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

Учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳоли ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истикболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

Тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукамал эмаслиги, шу жумладан

солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пайсайтирмоқда;

Бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш – солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

Олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

Еттинчидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизмларининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

Саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конституциявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

Тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларнинг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

Ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқ органларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда.)

Талабалик бахти

зукко ва билимдон ёшларгагина nasib этади

Биринчи август — тест синовлари куни ўз билим ва тафаккуринга ишонган талабаликка талабгор ёшлар учун катта доvon. Табиийки, шундай паллада, улкан доvon олдиди кўпчиликни қайси таълим йўналишига талабгорлар кўп бўлгани, қайси олий таълим муассасасига қабул квотасига нисбатан энг кўп абитуриентлар ҳужжат топширгани, бу йилги синов жараёнига қандай ҳозирлик кўрилгани қизиқтириши табиий.



Муҳбиримиз масъулиятли синов арафасида **Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридagi **Давлат тест маркази** бўлим бошлиғи **Орзукул Бобоевга** жараён билан боғлиқ бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Бу йил олий таълим муассасаларига абитуриентлардан нечта ариза тушди

ва бу кўрсаткични ўтган йилдаги рақамлар билан қиёслаганда қандай ҳолатни кузатиш мумкин? Шунинг баробарида бу йилги қабул жараёнининг ўзига хосликлари, янгиликлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Жорий йилда республика миқоздаги 59 олий таълим муассасаси ва уларнинг 12 та

филиалига 15 июль ҳолати бўйича **729 минг 947** нафар абитуриент ҳужжат топширган. Бу ўтган йилгига нисбатан **66 минг 643** нафарга кўпдир (2016 йилда — 663 минг 304 нафар эди). Танлов кўрсаткичи — республика бўйича бир ўринга ўртача **10,9** тани ташкил этди.

(Давоми 5-бетда.)

Таълимий веб-сайтлар

тизимга замонавий ёндашувларни олиб киради

Халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари, таълим муассасалари ва ўқитувчиларнинг веб-сайтини яратиш орқали педагогларнинг ижодий фаоллигини ошириш мақсадида ҳар йили турли хил кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Янгиланаётган илму маърифат маскани

ота-оналарни ҳам бефарқ қолдирмаяпти

Пахтаобод туманидаги 42-мактабда ҳам умумий қиймати 847 миллион 900 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Навоий нечта жанрда ижод қилган?

Бу йилги навоийхонлик тадбирларида, айрим матбуот чиқишлари ҳамда радио ва телевидение материалларида ҳам баъзилар шоирнинг 16 та жанрда ижод қилганини айтишди. Йўқ, ...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкни пасайтириш каби вазибалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислох этишнинг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиш объеклари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кўчайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртинчидан, макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизmlарини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш;

еттинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 январдан:

солиқ органлари ва ҳалол солиқ

тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли — солиқ мониторингинг жорий этилади;

йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилади;

вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар — хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин;

ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибда ундириш жорий этилади;

ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб 15 иш куни ичида амалга оширилади;

давлат солиқ хизмати органларига қирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилди;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминладиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг қолган ҳудудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилади;

солиқ текшируви объектларини самарали танлаб олиш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек солиқ органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилади;

давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга оширади, натижаси бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаштиради.

3. Давлат солиқ хизмати органларининг штатлар сонини қисқартириш ҳисобидан чекланган штат сони 41 нафардан иборат бўлган **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилсин**, унга қуйидаги асосий вазибалар юклансин:

солиқ солиш тизими, солиқ ва бошқона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш;

солиқлар турлари ва ҳудудлар ке-

симида солиқ ва бошқона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, унинг тармоқ ва ҳудудлар кесимида пасайишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг оқибатларини аниқлаш;

ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олиш ҳолда Давлат бюджетни даромадлари прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослигини баҳолаш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, манзилли йўналишлар ва назорат дастурларини, шу жумладан солиқ ва бошқа молия органларининг ахборот тизимлари маълумотларини таҳлил ва мониторинг қилиш асосида шакллантириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончилигини баҳолаш;

даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш ва бажариш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлиги ва солиқ тўловчилар ҳисобининг тўлиқлигини таъминлашда молия ва солиқ органларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини кўриш.

4. Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда кўрсатилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари унда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида:

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширушларни ташкил этиш бўйича махсус бошқарма негизида Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси;

Ахборот-таҳлил бош бошқармасининг Техник бошқармаси негизида Ахборот-коммуникация технологиялари бош бошқармаси ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида:

Ахборот-таҳлил бош бошқармаси Таҳлил ва прогнозлаштириш бош бошқармасига;

Солиқ солиш методологияси бошқармаси Методология ва солиқ органларини модернизация қилиш бошқармасига;

Ахборот хизмати Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлимига;

Юридик бўлим Юридик бошқармага айлантирилсин ва унинг таркибиде Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида тегишли бўлинмалари (шўъбалари) бўлган солиқ низолатларини судсиз ҳал этиш бўлими ташкил этилсин.

7. Солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун

масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари — Ахборот-коммуникация технологиялари бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий этилсин.

8. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 5—7-бандларида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги тузилмаларини ташкил этиш ва амалдаги таркибий тузилмаларини ўзгартириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари янги лавозими жорий этиш давлат солиқ хизмати органлари асосий ходимларининг белгиланган штатлар сони доирасида амалга оширилади.

9. Солиқ қўнунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича Ишчи комиссия 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (Ж.Кўчқоров) Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Дастурда белгиланган муддатларда киритсин:

солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ҳамда методологиясини тубдан такомиллаштириши;

хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг солиқ юкни янада камайтириши;

хўжалик юритувчи субъектларни "йирик солиқ тўловчилар" тоифасига киритиш мезондорлигини белгилашни;

бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириши;

солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча тебони (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилашни;

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда фаолиятини амалга оширадиган, шунингдек деҳқон бозорларида қиллоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қиладиган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириши;

алкоголли маҳсулотлар ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмларни чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимнинг ҳудудлар бўйича табақалаштирилган ставкаларини;

ҳалол, шу жумладан иш ўринларини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштирадиган солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чораларини жорий этишни;

Интернет тармоғида савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида солиқ назоратини амалга ошириш механизмларини жорий этишни;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси фаолиятини янада такомиллаштириши.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар:

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органларининг барча давлат хизматларидан, шу жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон фойдаланиш имкониятини таъминласин;

солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ нazorатини такомиллаштириш мақсадига солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурсларига тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунини танқидий қайта кўриб чиқсин;

барча манфаатдор вазирлик ва идоралар, шу жумладан "Ергеодекадастр" давлат кўмитаси, статистика, адлия, прокуратура органлари, судлар, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АК корхоналарининг солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурсларига

таъминласин;

тадбиркорлик субъектларини электрон рақамли имзо билан тўлиқ таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси Давлат солиқ кўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда давлат органларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаси ишончлигини аудитдан ўтказсин.

12. 2018 йил 1 январдан бошлаб давлат солиқ хизмати органлари ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорининг амал қилиши татбиқ этилсин.

13. 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастурни амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган ускуна, дастурий ва моддий-техник воситалар божхона тўловларини (божхона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Хисоб палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати

органлари ва Хисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда tutuvchi Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини;

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари В.А.Голишев ва О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими — иқтисодийни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкни камайтириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларида текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асосий аралаштиришга барҳам бериш бўйича зарур чоралар кўрилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш тартиблари бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари соддалаштирилди.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги сабабли Фармон билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг куйидаги муҳим йўналишлари белгиланди:

солиқ маъмуриятчилиги жараёнига зamonaviy ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотини ўз муддатда тақдим этиш бўйича

масъулиятини ошириш;

солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ нazorатини амалга оширишнинг зamonaviy услубларини жорий этиш; макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришни таъминлаш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш;

фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳолини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустақамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

солиқ солиш масалалари, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

қадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Фармон билан солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама

кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинуви н назарда tutuvchi солиқ нazorатининг зamonaviy шакли — солиқ мониторинги жорий этилмоқда.

Илгор ҳорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, йирик ҳўжалик юритувчи субъектларга ўз вақтида ва самарали хизмат кўрсатиш мақсадига улар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига юклатилмоқда.

Вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келмиш ҳалол солиқ тўловчилар — ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш тарзидаги давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги шакли назарда тутилмоқда. Шунингдек солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш муддати икки бараварга қисқартирилмоқда.

Солиқ нazorатининг тўғридан-тўғри мулоқотсиз шакллари самарадорлигини ошириш мақсадига камерал нazorат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибидан ундириш жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида "соғлом рақобат"ни таъминлаш ва "хўфийна бизнес" юритишга барҳам бериш мақсадига:

давлат солиқ хизмати органларига кириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни 5 банк кунига бўлган муддатда вақтинчалик тўхтабди туриш ваколати берилмоқда;

солиқ органларига ҳисоб-

китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган нazorат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган нazorат тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, реал иш ўринларини легаллаштириш учун давлат солиқ хизмати органларига ҳўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингини амалга ошириш ваколатлари юклатилмоқда.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини нazorат қилиш инспекцияси ташкил этилиб, унинг фаолияти бюджет даромадларини қўпайтириш захираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш, солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослигини баҳолаш, солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш устидан нazorатни амалга оширишга йўналтирилади.

Солиқ органлари фаолиятига зamonaviy ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини мувофиқлаштириш ва солиқ тўловчиларга интерактив давлат хизматлари тақдим этиш амалиётини кенгайтириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раисининг ўринбосари лавозими жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, Фармон билан 37 та банддан иборат Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Назарда тутилган тадбир-

ларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш мақсадига Солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича Ишчи комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссияга, шу жумладан куйидагиларни назарда tutuvchi норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ваколатлари юклатилди:

солиқ маъмуриятчилиги ва нazorатини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш;

солиқ юкни янада камайтириш, бир ҳил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бirlаштириш;

солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибинини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш;

айрим яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш;

ҳалол, шу жумладан иш ўринлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштирадиган солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чораларини жорий этиш.

Фармонга мувофиқ, 2018 йилнинг 1 январига қадар тадбиркорлик субъектларини электрон рақамли имзо билан, шунингдек солиқ тўловчиларга солиқ органларининг барча давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини тўлиқ таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фармон қондаларининг амалга оширилиши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қиладиган, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса, шубҳасиз, мамлакат иқтисодийнинг барқарор ривожланишида ўз аксини топади.

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Самарканд вилояти шаҳар ва қишлоқларида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги олдидан «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ургут туманидаги 31-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тадбирда Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадий академия аъзолари, олимлар ва маънавият тарғибчилари қатнашди.

— Туманимиз марказидаги истироҳат боғи бугун Ургутнинг энг кўркам масканларидан бири сифатида доим одамлар билан гавжум, — дейди меҳнат фахрийси Ж.Мамадаминово. — Боғ ҳудудидаги амфитеатр, мусиқа мактаби, сузиш ҳавзаси ва спорт мажмуасига ҳамоҳанг равишда «Нуронийлар маскани» бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, халқимиз турмуш даражасини оширишга қаратилган ишлар самарасидир. Бугун элимиз ардоғидаги шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар билан учрашув ҳам барчамизда катта таассурот қолдирди.

Учрашувда ургутлик ёшлар Ўз ижод намуналаридан ўқиб, устоз адибларнинг маслаҳат ва тавсияларини олдилар.

Тадбирлар доирасида Самарканд шаҳрида «Самарканд адиблари» китоби тақдими ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари, рангтаъсир усталари ва ёш ижодкорларнинг расмлар кўргазмаси, таниқли шоирлар иштирокида мушоира ўтказилди.

❖ Гулистон шаҳри маҳаллаларида «Маҳалла китобсеварлари» ҳафталиги ўтказилмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят китобхона-кутубхона маркази, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунари таълими бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, педагоглар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётди.

Ҳафталик доирасида ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа завқини уйғотиш, маҳалла ва ҳар бир оилادا китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида таълим муассасалари, олис қишлоқларда кўча кутубхоналар, китоб савдоси ташкил этилиб, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази ва ҳамкор ташкилотлар томонидан «Бадий асарлар билимдон» викторинаси, «Менинг биринчи китобим», «Мен ўқиган китоблар», «Мен китобни нечун севаман?», «Энг ёш китобхон», «Фахрий китобхон» беллашувлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ўтказилаётган «Энг намунали маҳалла кутубхонаси», «Энг китобсевар маҳалла» кўрик-танловлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Тадбирларда фаол иштирок этган китобсеварлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланаётди.

❖ Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Мустақил юрт хунармандлари» IX аънаваный миллий хунармандлик ва амалий санъат махсулотлари кўргазма-савдосида 20 дан ортиқ йўналишдаги махсулотлар намойиш этилди.

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган кўргазма «Хунарманд» уюшмаси ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирга мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, турли ташкилот ва идоралар ходимлари, хунармандлар, журналистлар тақдир этилди.

— Уюшма 20 мингта яқин хунармандни бирлаштирган, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов. — Беш мингта яқин хунармандлик устахонасида «уста-шогирд» мактаблари ташкил этилиб, 2016 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 12 минг йигит-қизга хунар сирлари ўргатилди. Албатта, хунар ўрганишга оряуманд бўлган бундай ёшларни қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш хайрли иш. Халқ хунармандлиги ва амалий санъатимизнинг ноёб турларини қайта тиклаш, янги намуналарини яратиш, ёшларни хунар ўрганишга жалб қилиш ва уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида уюшма томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Еш истеъдодларни аниқлаш, тажриба алмашиш, узаро ҳамкорликни йўлга қўйишда бу каби кўргазма-савдолар, талпов ва фестивалларнинг аҳамияти беқиёсдир.

❖ Наманганда «Полимерли композитлар физикаси ва кимёси ҳамда конструкция материаллар технологиясининг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси, Умумий ва ноорганик кимё институтлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-технология, Тошкент темир йўл муҳандислари институтлари, «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Хитой, Япония, Малайзия, Германия, Италия, Россия, Украина, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг етакчи олимлари иштирок этди.

Анжуманда «Композитлар технологияси, синтези ва модификациясининг долзарб масалалари», «Функционал полимерли нанокомпозитларни ривожлантириш истиқболлари», «Табий ва синтетик полимерларни олиш ва қайта ишлаш истиқболлари», «Полимер ва композит материалларни ўқитишнинг замонавий услублари», «Табий шифобош композитлар кимёси, технологияси, қўлланилиши» каби йўналишларда илмий маърузалар тингланди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТAYЁРЛАНДИ.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида китобхонлик маданиятини ошириш, ўқувчиларнинг мутолаага бўлган қизиқишини кучайтиришга қаратилган навбатдаги онлайн видеомулоқот бўлиб ўтди.

Китобхонларнинг «онлайн мулоқот»и

Республика болалар кутубхонаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур адабий мулоқотда болалар адабиёти вакиллари, шоир-ёзувчилар Дилшод Ражаб, Шуқрулло Абдуллаев, Набижон Эрмат, Отабек Қувват меҳмон бўлди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларидаги ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилари, китобхон ўқувчилар фаоллигида ўтган учрашув,

айниқса, адабиётга ҳавасманд ўғил-қизларда катта таассурот қолдирди.

— Мен китобларини ўқиб, улар ёзган шеърларни ёдлаб юрадиган шоирлар билан юзма-юз кўришдим, уларга ўзимнинг саволимни бердим, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 165-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Маҳбуба Абдушоҳидова. — Эртак ва шеър китоблар

ўқини яхши кўраман. Шоир Дилшод Ражаб кўп китоб ўқиш фойдали эканини, ким кўп ўқиса, шунча кучли инсон бўлишини айтди. Энди кўпроқ китоб ўқишга, кўп-кўп шеърлар ёдлашга ҳаракат қиламан.

Мулоқот иштирокчиси, кичик китобхоннинг фикрлари, учрашувдан олган ўзига хос таассуроти кишини завқлантиради. Бу каби маърифий тадбирларнинг ўқувчиларда китобхонликнинг фойдали машғулот эканлигига ишонч уйғотаётгани, уларнинг кўнглида мутолаага муҳаббатни ошираётгани қувонарли ҳолдир.

Онлайн мулоқотда вилоят студияларидан туриб иштирок этган китобхонлар ҳам саволларига жавоб олди. Тадбир давомида янграган болаликка хос бегубор шеърлар жаранги иштирокчиларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.



Барча ислохотларимиз пойдевори

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейида Республика Маънавият тарғибот маркази ва Мудрофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шарқшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар, эстрада хонандалари, армия сафларида йигитлик бурчини ўтаётган ёшлар иштирок этган тадбирда мустақилликнинг тарихий аҳамияти, маъно-моҳияти ҳақидаги маърузалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатлари, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, юртимизнинг халқаро

миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов. — Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда ана шу мақсадларга ҳамоҳанглик кўринади.

Тарғибот тадбирида Ўзбек миллий академик драма театри актери, Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийиси Мунаввара Абдуллаеванинг фикр-мулоҳазалари ёшларни ватанпарварликка ундади.

Тадбир якунида ҳушовоз хонандаларнинг дилтортар куй-қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Абдужаббор ФАЙРАТОВ

Аҳолини қувонтираётган хайрли ишлар

«Экосан» халқаро хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими томонидан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» муносабати билан тадбир ўтказилди. Беруний туманидаги «Наврўз» маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолига қулайлик яратиш, маҳалла ҳудудида санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларга қулай ижтимоий муҳит яратиш асосий мақсадимиздир, — дейди туман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармаси бошлиғи А.Машарипов. — Беруний туманидаги «Султон Увайс бобо» зиёратгоҳида очилган кутубхонадан кўпчилик

руний» ва «Халқлар дўстлиги» кўчаларидаги 4 километр узунликдаги сув тармоғи реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Натижанда Амир Темур, «Гулистон», «Хоразм», Навоий, «Жайхун», «Дўстлик» ва «Бунёдкор» МФИда яшовчи 28 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ушбу лойиҳани

амалга ошириш учун «Экосан» халқаро хайрия жамоат фонди томонидан 71,1 миллион сўм мabлаг' сарфлангани эътирофга лoйиқ.

Тадбир иштирокчилари хайрли ишларга бош-қош бўлиб, юртдошларимизга қувонч улашаётган кўчма ҳокимлиги, «Экосан» халқаро хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, туман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармаси ҳамда «Жамшид» масъуляти чекланган жамиятига ташаккур билдирди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» халқаро
жамoат фонди
бўлим бошлиғи

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

Талабалик бахти

зукко ва билимдон ёшларгагина насиб этади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ваколатимиз доирасида қабул жараёни билан боғлиқ куйидагиларни айтиш мумкин: абитуриентлардан аризаларни қабул қилиш муддати ўзгарди. Бу йилдан бошлаб аризалар олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан 15 июндан 15 июлгача қабул қилинди. Ўзбекистон давлат консерваторияси учун охириги муддат 10 июль этиб белгиланган. Ушбу ўзгариш абитуриентлар учун тест материалларини, тест синови ўтказиладиган бино ва аудиторияларни сифатли тайёрлаш, шунингдек, аудитория назоратчилари сифатида иштирок этиши белгиланган номзодлар учун амалий семинар машғулотларини тўлиқ ва сифатли ўтказиш мақсадида жорий этилди.

Баъзи олий таълим муассасалари (TATU, ЎзМУ) да онлайн tarzda ҳужжат қабул қилиш тест режимида амалга оширилди. Жорий йилдан бошлаб айрим олий таълим йўналишлари бўйича мақсадли ҳамда манзилли қабул қилиш йўлга қўйилди. Квотадан ташқари қабул, контракт пулининг оширилган ставкаси асосида қабул ва Навоий вилоятининг Конимех, Учқудуқ, Томди каби олис туманларида истиқомат қилаётган абитуриентлар учун алоҳида имтиёз жорий этилди.

— Педагогика олий таълим муассасаларига қанча абитуриентдан ҳужжат қабул қилинди?

— Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида жорий йилда ҳам абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар сони юқори бўлди. Масалан, Жиззах давлат педагогика институтига 26970 та ҳужжат топширилган бўлса, бир ўринга ўртача танлов 14,82 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич Кўқон давлат педагогика институтида — 18257/14,04; Тошкент давлат педагогика университетида — 16580/14,74; Навоий давлат педагогика институтида — 14268/9,15; Нукус давлат педагогика институтида — 12133/8,62 бўлди.

— Олий таълим муассасаларида янги очилган йўналишларга қизиқиш қандай бўлди?

— Олий таълим муассасаларида янги очилган таълим йўналишлари хусусида ҳам юқоридаги фикрларни билдириш мумкин. Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация институтида мазкур йилда илк бор ҳужжат қабул қилинган автомобиль транспорти, йўл курилиш машиналари ва жиҳозларининг эксплуатацияси таълим йўналишининг



ўзбек гуруҳида бир ўринга 7,7 нафар, рус гуруҳларида 3,8 нафар — квота бўйича ажратилган жами 200 ўринга 1351 нафар абитуриент даъвогарлик қияпти. Автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ва куриш йўналишига — (квота бўйича жами 200 та ўрин) 1036 та ҳужжат топширилган. Танлов — ўзбек гуруҳларида бир ўринга 6,9 нафар, рус гуруҳларида 4,3 нафарни ташкил этди. Шаҳар йўллари ва кўчалари йўналишига (квота бўйича жами 25 та ўринга) 302 та ҳужжат қабул қилинди. Шунингдек, транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) йўналиши бўйича бир ўринга — ўзбек гуруҳларида 10,9, рус гуруҳларида 6,8 нафар йигит-қиз даъвогарлик қилмоқда.

Тошкент молия институтида янги очилган корпоратив молия таълим йўналишига (квота бўйича жами 40 ўрин ажратилган) 304 та ҳужжат қабул қилинган. Бу ерда бир ўринга 7,6 нафар абитуриент тўғри келяпти.

— Таҳлил бугунги ёшлар қайси мутахассисликларга кўпроқ қизиқиш билдираётганини кўрсатмоқда?

— Абитуриентлар педагогика, тиббиёт, техника, ахборот-коммуникация технологиялари ва гуманитар соҳадаги таълим йўналишларига кўпроқ қизиқиш билдирмоқда ва бу қизиқиш йилдан-йилга ортаёпти.

— Ҳар йили абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш кўрсаткичи бўйича Термиз давлат университети пешқадамлик қилар ва бу ўз навбатида жараёнда муайян қийинчиликларни юзага келтирарди. Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Термиз шаҳрида иккита олий таълим муассасаси — Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент давлат аграр университети филиаллари ташкил этилгани ҳудудда яшовчи абитуриентларга нечоғлик қулайлик яратди?

— Дарҳақиқат, Термиз шаҳрида жорий йилга қадар фақат битта олий таълим муассасаси мавжуд эди. Албатта, бу ўзига хос баъзи қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Лекин ушбу йилдан бошлаб ТДТУ ва ТошДАУнинг Термиз филиаллари ташкил этилган, қийинчиликлар маълум даражада камайди. Масалан, ўтган йили Термиз давлат университетида 37676 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, бу йил уларнинг сони 36546 нафарни ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан 1130 нафарга камайди. Шунга мос равишда тест синови учун тайёрланадиган бино ва аудиториялар сони ҳам қисқарди.

— Қайси олий таълим муассасасига қабул квотасига нисбатан энг кўп абитуриент ҳужжат топширди?

— Юқорида қайд этилганидек, Термиз давлат университетида топширилган ҳужжатлар сони — 36546 (ўтган йилда 37676) та, ўртача танлов — 20,3 ни; Қарши давлат университетида — 29529 (ўтган йилда 26332) та, ўртача танлов — 21,1 ни;

Фарғона политехника институтида — 27566 (ўтган йилда 24334) та, ўртача танлов — 14,9 ни; Фарғона давлат университетида — 26618 (ўтган йилда 22135) та, ўртача танлов — 16,64 ни ташкил этди.

— 2017/2018 ўқув йилида олий таълим муассасаларига муддатли ҳар-

бий хизматни ўтаган фуқароларни қабул қилиш "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан амалга оширилади. Шу маънода ушбу низом моҳияти, хусусан, ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун белгиланган имтиёзларга ҳам тўхталсангиз.

— Маълумки, олий таълим муассасаларига кирувчилар учун бир неча турдаги имтиёзлар тизими мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 31 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор шулар жумласидандир. Мазкур қарорга кўра муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тегишли тавсияномага эга бўлган фуқаролар учун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синови жараёнида тўплаган балига қўшимча тарзда максимал тўплаш мумкин бўлган балнинг 27 фоизи миқдориде имтиёзли балл қўшиб берилар, у 62 балдан кўпроқни ташкил этар ва бу бафолатланган балл ҳисобланар эди.

Башарти ҳарбий имтиёз тўғрисида гап кетар экан, юқорида қайд этилган қарорга Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан тегишли ўзгартириш киритилганини ҳам эътироф этиш даркор. Мазкур қарорнинг 11-бандига мувофиқ эндиликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тегишли тавсияномага эга бўлган фуқа-

роларга республикамизнинг барча олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синови натижалари бўйича тўплаган балининг 50 фоизи миқдориде қўшимча балл шаклида имтиёз берилади. Бундан бунён яхши тайёргарлик кўрган абитуриентлар тест синови жараёнида кўп балл тўплаш, умумий кўрсаткичларини анча ошириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, уларнинг ўз йўналишлари бўйича аризасида кўрсатилган иккинчи олий таълим муассасасида танловда қатнашиш имтиёзи ҳам сақланиб қолади.

— 1 август куни ўтказиладиган тест жараёнига тайёргарлик ҳақида ҳам тўлиқроқ маълумот берсангиз.

— Бу борада ҳар йили бўлгани каби аниқ режа асосида кенг қамровли ишла амалга оширилмоқда. 2017 йилда олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони ўтган йилга қараганда 20 фоиз ошган. Шунга мос равишда тест синови ўтказиладиган биналар сони 978 та ва аудиториялар сони 21813 та (2016 йилда 19830) бўлиши кутилмоқда.

Жорий йилда амалдаги низомга мувофиқ олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан бино ва аудиториялар, тест синовларида қатнашадиган абитуриентлар учун ўринлар ўтган йилгига йигирма фоиз кўшган ҳолда тайёрланади. Шу мақсадда республика бўйича 795 минг ўрин тайёрлаш режалаштирилган.

Ҳозирга қадар тест синови ўтказиладиган бино ва аудиториялар режа-чизмалари асосида жойларда дастлабки ўрганиш ишлари амалга оширилди. Жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Баъзи масалалар жойида ҳал этилди. Жорий йилнинг 17—19 июль кунлари ҳам республика бўйича дислокациялар ўрганилиши режалаштирилган ва ўрганилмоқда.

Бундан ташқари, республика бўйича 17 апрелдан 30 майга қадар худудлар марказида жойлашган олий таълим муассасаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, олий таълим муассасалари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда Давлат тест маркази ва киллари ва аудитория назоратчилари учун амалий семинар машғулотлари ўтказилди. Июнь ойида қайта ва қўшимча семинар машғулотлари ўтказилганини ҳам таъкидлаш лозим.

"Ma'rifat" муҳбири Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

Ўқувчилар қамрови ОШМОҚДА

Азизбек Нуржонов попуштадан сўнг "Баркамол авлод" болалар марказига шошилди. У бугун "Бошланғич техник моделлаштириш" тўғрисида ясаётган истироҳат боғи макетини маромига етказиши керак. Болакай макет устида ишларкан, бундан бир олам завқ олади, оддий қоғоз ёки пластмассага геометрик аниқликда ишлов берса, тугал шакл пайдо бўлишидан ҳайратланади. Устози Гулнора Урозбоева унга яқин маслаҳатчи, мураббий ҳар бир ўқувчининг ижодий тафаккурини кенгайтиришга интилади. Азизбек илк бор гузурт қутисидан машина ясаб келганда рағбатлантириб, уни ҳаракатлантириш учун қандай механизмдан фойдаланиш кераклигини ўргатган ҳам Гулнора она эди. Ана шу илқ муносабатдан сўнг болада техник моделлаштиришга қизиқиш янада ошиди.



«Barkamol avlod» bolalar markazlarida

Бугун у туман, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакат миқёсидаги бир қатор танловлар қолибидир. Ёш техник келажакда муҳандис-конструктор бўлишни, 3D форматда янги моделлар яратишни орзу қилади. У тиришқоқ, аниқликка интилади ва ижодий тафаккури кенг. Ажаб эмаски, Азизбек келажакда ўзи орзу қилганидек моҳир муҳандис-конструктор бўлиб етиша.

Дарвоқе, Амударё туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида бундай иқтидор эгалари кўп. Бу ер ўқувчиларнинг сеvimли масканига айланган. Марказ шарт-шароити ҳавас қилса, қилгудек. 2013 йили қайта капитал таъмирланиб фойдаланишга топширилган бино шинам ва кўркям. Хоналарни суратлар, турли мунчоқли безаклар, тўқилган буюмлар, либослар, кўйриқчоқлар, макетлар безаб турбиди. Томоша қилган кишининг баҳридилди очилди.

Ўлкашунослик ва экология" тўғрисида аъзолари атраф-олам билан танишиш орқали она-табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўрганмоқда. Болалар табиат кўйнига, турли маданий мерос объектларига тез-тез саёҳат уюштиради. Фаслий ўзгаришларни кундаликларида қайд этиб борган ёш экологлар кузатув натижаларидан ботаникага оид билимларини мустаҳкамлашга фойдаланиши мумкин. Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ноодатий шаклга эга тирепалик — Чилликка уюштирилган марокки экскурсия ҳамон ўқувчилар хотирасида. Ўзига хос сир-синаотга эга маданий ёдгорликлар болаларнинг ўлка тарихи, географиясига қизиқишини оширади.

Элмира Жуманиёзова раҳбарлигида ўсмир қизлар Хоразм миллий рақсини ўрганаётган экан. Гимнастика тўғрисида эса ўз ишқибозларини бир даврага жамлаган. Ёш пазандалар миллий таомлар қатори, турли ширинликлар пишириб завқланишади. Дастурга айланаётган фарзандларидан ота-оналар мамнун.

— "Либослар дизайни" тўғрисидаги бошқарман, — дейди Ирода Шержонова. — Ҳунар — зар. Тўғрақ аъзолари келажакда қайси касбни танлашидан қатъи назар, эгаллаган кўникмаси бир умрлик "ҳамроҳ" бўлиб қолади. Ҳар бир ўқувчининг кўнглида гўзалликка интилиш борлигини сезаман. Қизиқиши, инти-



лиши бор бола устозга кучайрат беради.

"Юмшоқ ўйинчоқлар" тўғрисида аъзоси Мафтуна Гулманова ўтган йили "Баркамол авлод" болалар ижодиёти фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, Халқ таълими вазириликнинг сертификатини кўлга киритди.

— Уч йилдан бери марказга қатнайман, — дейди Мафтуна. — Бирорта машғулотни қолдирганим йўқ. Юмшоқ ўйинчоқ яратиш завқли иш. Ўка-сингилларим, жиянларим, ҳаттоки кўшни болалар ҳам янги ўйинчоқ яратишимни интиқлик билан кутишади.

Ўтган йили Республика "Баркамол авлод" болалар бадиий ижодиёти марказида ўтказилган "Зарб—2016" кўрик-танловининг якуний босқичида тўғрақ аъзолари "Энг фаол гуруҳ" номинацияси билан тақдирланди.

— Мактабдан ташқари таълим тизимига қаратилаётган эътибор ўқувчини илмга, касб-хунарга йўналтириш, унинг билимини мустаҳкамлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди марказ директори Хонимжон Ражабова. — Ўқувчилар қамровини янада кенгайтириш чораларини кўряпмиз. Бадиий ижодиёт, техник ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича 48 та тўғрақ мавжуд бўлиб, 99 гуруҳга 1010 нафар ўқувчи жалб қилинган. Бадиий ижодиёт йўналишида тўғрақлар 30 тани ташкил этиб, йўналишлар кесимидagi энг кўп қатнашчи — 62 та гуруҳда 618 ўқувчини қамраб олган. Туманимиздаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 21 та тўғрақда 472 ўқувчи шуғулланмоқда. Шундан 145 нафари ижтимоий хомияга муҳтож оила фарзандлари бўлиб, 3 нафари имконияти чекланган боладир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 18 январдаги "2017—2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 275-сонли қарорига мувофиқ, "Баркамол авлод" болалар

марказлари фаолиятини янада ривожлантиришга заман яратилди. Жумладан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан бирга, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг профилактик хисобига олинган ўқувчилар "Баркамол авлод" болалар марказларида ўқиганликлари учун ота-оналар тўловидан озод қилинди. Марказда ўқиганлик учун ота-оналардан олинган тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси туманларида энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан 2,5 фоиз этиб белгиланди. Мўҳими, эндиликда 18 ёшга бўлган ўқувчилар (олдин 16 ёш) "Баркамол авлод" болалар марказига қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, бу тизимда фаолият юритаётган педагог-мураббийларни рағбатлантириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори асосида "Баркамол авлод" болалар марказлари ходимларининг ойлик маоши 15 фоизга, тўғрақ раҳбарларининг ҳафталик юкласи 18 соатдан 24 соатга оширилди. Бу қулайлик ва имтиёзлар ўқувчи қамровини ошириш, уларнинг бўш вақтини кўнглили ўтказишга имконият яратади.

Зеро, ёзги таътил даврида худди шу мақсадни дилига тугий фаолият курсатаётган Амударё тумани "Баркамол авлод" болалар маркази педагоглари янги 2017-2018 ўқув йилига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Фан ва техника тараққий этган замонда ўқитувчи зиммасидаги талаб бир қадар ортган. Инди дарслик, доска ва конспект билангина чекланган ўқитувчи қизиқарли дарс ўта олмайди. Бундай шароитда қўшимча имкониятлардан фойдаланиш, фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш зарур. Хусусан, педагогининг шахсий веб-сайт яратиши унинг тажриба алмашиши, дарс жараёнида синаб кўрган самарали методни бошқа ҳамкасблари билан ўртоқлашиши ёки бирор янгиликни тезлик билан оммалаштиришига ёрдам беради. Ота-она ўзига керакли таълим муассасаси ҳақида маълумотга эҳтиёж сезса, бунда таълим муассасаси веб-сайти яқин кўмакчига айланади.

Шу боис халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари, таълим муассасалари ва ўқитувчиларнинг веб-сайтини яратиш орқали педагогларнинг ижодий фаоллигини ошириш мақсадида ҳар йили "Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайт" кўрик-танлови "Энг яхши таълим муасса-

сонидан баҳоланди. Иккинчи босқичда экспертлар гуруҳи томонидан ҳар бир номинация бўйича 10 нафардан номзод иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан энг муносиб деб топилган веб-сайтлар қолиб сифатида эътироф этилди.

"Энг яхши ўқитувчи веб-

Таълимий веб-сайтлар тизимга замонавий ёндашувларни олиб киради

саси веб-сайти", "Энг яхши ўқитувчи веб-сайти", "Халқ таълими тизимидаги энг яхши ташкилот (муассаса) веб-сайти" номинациялари бўйича ўтказиб келинмоқда.

Таълим-тарбия жараёнига АКТни жорий этиш, муассасаларнинг веб-сайтлари орқали фуқароларга интерактив хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, бу борада юксак малакага эга бўлган педагог-мутахассислар ишини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришда ушбу танловнинг ҳиссаси катта.

Кўрик-танловни янада такомиллаштириш мақсадида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан махсус дастур яратилди. Хоҳловчилар www.tanlov.uzedu.uz сайти орқали "Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайт" кўрик-танловида қатнашиши учун онлайн шаклда ариза бериши, уларни таҳлил қилиши, жойлардан туриб баҳолаши ҳамда кузатиб бориши мумкин. Ўтган вақт мобайнидаги натижаларни таҳлил қилса, танлов нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрамайиз. 2014 йили танловга 1155 нафар ўқитувчидан талабнома келиб тушган бўлса, 2015 йили бу кўрсаткич 2078 тага етган. Жорий йилда қатнашувчилар сони 3893 нафарни ташкил этди. Шу билан бирга веб-сайтларнинг сифати ва мазмуни ҳам сезиларли даражада ўсди.

— Веб-сайтлар дизайни, мазмунан бойлиги ва долзарблиги, педагогик аҳамияти, интерактивлик ва қайта алоқа, бажарилиш сифати каби мезонлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланди, — дейди Халқ таълими вазириликнинг таълим-тарбия жараёнига АКТни жорий этиш бўлими етакчи назоратчиси Абдуҳамид Абдуқодиров. — Кўрик-танлов доирасида жорий йилда ҳам кўплаб мазмунан бой, педагогик аҳамиятга молик веб-сайтлар иштирок этди. Улар дастлаб худудий халқ таълими бошқаруви органида тузилган ҳакамлар ҳайъати то-

монинацияси бўйича Дўстлик туманидаги 10-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Шухрат Нурғозиевнинг shuhratbek.uz сайти ҳам қолиблар қаторида эътироф этилди. Сайтдаги маълумотлар, янгиликлар диққатни тортади. Хусусан, онлайн тестлар (ўқувчиларнинг фан олимпиадаси ва билимлар беллашувига тайёрланиши учун), психологик тестлар (ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар учун), тақдиротлар (турли педагогик мавзуларда олиб борилган ишлар тақдироти), ота-оналарга (фарзанд тарбиясида эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар юзасидан тавсиялар), дарс ишланмалари (ўқитувчилар учун), қизиқарли (дарс босқичларининг ташкилий қисми учун қизиқарли маълумотлар) каби бўлимларнинг ҳар биридан сайт фойдаланувчиси зарур маълумотларни топади. Ўқувчилар учун ёзги таътил топшириқлари қисмида қизиқарли топшириқлар бериб борилади. Жавоблар қатнашувчи ўқувчилар томонидан электрон манзилга юнатилади. Шу орқали ўқитувчи ўқувчилар ўртасида онлайн танлов олиб боради. Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари юзасидан берилган топшириқлар, кроссвордлар қизиқарлилиги, ранг-баранглиги билан ўқувчилар диққатини жалб қилапти. Сайтнинг тарихий обидаларга виртуал саёҳат қисми ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— 5 йиллик меҳнатларим ўз самарасини берди, — дейди сайт муаллифи Шухрат Нурғозиев. — Танловда бир неча йилдан буён қатнашар эдим, лекин голиблик nasib қилмасди. Хатолар устида ишлаб, веб-сайтимни янада такомиллаштирдим. Ўтган йиллардаги иштирокимда тажриба тўплаб, малака оширдим. Кўриб турганингиздек, натижа ёмон бўлмади.

Зилола МАДАТОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

Капитал таъмирланган мактаб нега қишда исимаяпти?

Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 23 июндаги 206-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида 2017-2018 ўқув йили ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Иситиш тизимидега носозликларни бартараф этиш, таълим муассасаларини сифатли кўмир(брикет) ёқилгиси билан таъминлаш, уни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Hozirlik — huzurlik

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассиси Фарход Беккуловнинг маълумотиغا кўра, мавжуд таълим муассасаларининг 75 таси марказлашган тартибда, 131 таси табиий газ, 262 таси кўмир, 13 таси суюқ ёнилғи ва 2 таси электр-энергияси билан иситилади. Янги ўқув йили ва куз-

нинг Томди туманидаги 6-мактаб ҳам 2015 йили капитал таъмирланган эди. Ушанда бу хушxabар Оқтов фуқаролар йиғини худудида яшаётган каттаю кичикни бирдек қувонтирганди. Чор атрофи кум барханлари билан ўралган овулдаги бундай янгилашни — кечагина нураб турган синфхоналарнинг

ни қабул қилиб олган масъуллар бугунги вазиятни қандай изохлашади? Ўғил-қизларимиз яна ўтган йилдагидек совуқ хоналарда сабоқ оладими?

— Таъмирлаш ишлари "Сардор-Жавоҳири" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган. Бунинг учун 346 миллион 800 минг сўм сарфланган. Иситиш тизими кўмир ёқилгиси билан ишлашга мослаштирилган, — дейди мактаб директори Игиллик Танатаров. — Ҳақиқатан ҳам бажарилган ишлар комиссия кўригидан ўтказилган. Жараён ёз фаслида бўлгани учун иситиш тизимига унча эътибор қаратилмаган. Назаримда, битта қозонхонага иккита қозон жойлаштирилгани боис, тизимда айланма ҳаракат меъёрида бўлмағи, синфхоналарни иссиқлик билан таъминлашда узилишлар бўляпти. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Ҳар эҳти молга қарши қиш мавсумига тайёргарлик ишлари давомида кўмир ва кўшимча ўтин ҳамлаб қўйилляпти...

"Икки йил бурун капитал таъмирдан чиқарилган мактабнинг иситиш тизимидеги муаммолар олдиндаги куз-қиш мавсумида бартараф этиладими?" деган савол билан туман ХТМФМТТЭБ мутахассисларига мурожаат этдик. — Туманимизда 16 та мактаб, 2 та мактабга таълим муассасаси бор, — дейди туман ХТМФМТТЭБ масъул ходими К.Қутимуродов. — Айни кунда кузқиш мавсумига ҳозирлик кўряпмиз. Оёққудуқ овул фуқаролар йиғини худудидаги 3-мактабда бунёдкорлик ишлари давом этапти. 1-мактабга таълим муассасасининг Томдидаги эски 1-филиалида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун етти юз миллион сўм ажратилган. 2-мактабга таълим муассасасининг 2-филиали том қисмини янгилаш учун 50 миллион сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. 6-мактабнинг иситиш тизими билан боғлиқ муаммо ечими хусусида аниқ бир гап айта олмайман...

Кўриб турганингиздек, 6-мактабда иситиш тизimini ўнглаш юзасидан ҳеч бир амалий иш бошланмаган. Мутасаддилар бу муаммога ечим топа олишармикан ёки октовлик болалар бу йилги қиш мавсумида ҳам совуқ хоналарда ўқишадими?

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири



Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

2017 йилги Инвестиция дастури асосида Андижон вилоятидаги 21 та умумтаълим мактаби ва 25 та мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг учун 57 миллиард 388 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Янгилаётган илму маърифат маскани

ота-оналарни ҳам бефарқ қолдирмаяпти

Пахтабод туманидаги 42-мактабда ҳам капитал реконструкция ишлари бормоқда. Умумий қиймати 847 миллион 900 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари тумандаги "Пахтабод КМС" қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

Авваллари мактаб мослаштирилган бинода жойлашгани учун ўқитувчи ва ўқувчилар дарс ўтиш ва сабоқ олишга қийналарди. Ҳатто, жой етишмаслиги сабабли ўқитувчилар хонаси мактаб ертўласида жойлашганди. Икки қаватли, барча кулайликларга эга янги бино фойдаланишга топширилса, ушбу ноқулайликлар бартараф этилади. 700 нафардан зиёд ўқувчи ва уларнинг ота-оналари ҳам бу ишлардан жуда мамнун.

— Ишнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишига жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди мактаб директори Зоҳиджон Исоқов. — Айни пайтга келиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари 75 фоизга бажарилди. Мактабимиздаги бунёдкорлик ишлари нафақат ўқитувчи ва ўқувчиларни, балки худудда яшовчи ота-оналарни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. "Аҳиллик" МФЙ фаоллари, ота-оналардан иборат жамоатчилик назорат кенгаши ташкил этганмиз.

Вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари маълумотиغا кўра, нафақат ушбу мактаб, балки қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган барча таълим масканларидаги жараён жамоатчилик кенгаши томонидан назорат қилиб борилмоқда.

— Ҳафтанинг яқшанба куни бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган таълим масканларида "Сифат куни" деб белгиланган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Аҳмаджон Собиров. — Шу куни вилоят ҳокимлиги мутасаддилари ва пудратчи ташкилот раҳбарлари, мактаб ва мактабгача таълим маскани раҳбарлари қурилиш сифатини текширишади. Ҳафталик ишлар якунига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилади. Иш жараёнида сифат ва самарадорликка эришаётган пудратчи ташкилотлар рағбатлантирилмоқда.

Оқсоқоллар, вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, вилоят халқ таълими

бошқармаси ва туман (шаҳар) ХТМФМТТЭБ мутахассислари, таълим маскани раҳбарларидан иборат назорат гуруҳлари иш суръати ва сифатини кузатиб, ҳафталик мониторинг тадбирларини олиб бормоқда. Гуруҳлар ишининг натижасига кўра, Андижон шаҳридаги 37-, Избоскан туманидаги 26-, Қорасув шаҳридаги 1-мактаблардаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари суръати жадаллашди. Андижон шаҳридаги 62-, Кўргонтепа туманидаги 8-, Жалақудуқ туманидаги 29-, Хўжабод туманидаги 21-МТМда ҳам юқоридаги гуруҳлар кўмаги билан иш сифати яхшиланаётгани кузатиляпти.

— 50 йилдан зиёд мактабда ўқувчиларга қиммат ва биология фанларидан сабоқ бердим, — дейди Пахтабод туманидаги Маданият қишлоғида яшовчи 80 ёшни қоралаган халқ таълими фахрийси Болтабой Мирзажон. — Мактаб ва боғчалардаги қурилиш-таъмирлаш ишларини кўриб жуда хурсанд бўляпмиз. Бу ишларга вилоят ҳокимлиги шахсан бошқош бўлмоқда. Белгиланган муддатдан кечикаётган қурилиш объектларига маҳаллий бюджетдан ёрдам кўрсатилмоқда. Мисол учун, қишлоғимиздаги 42-мактаб ва 5-болалар боғчасида бўлиб, қурилиш ишлари кўздан кечирилди. Маълум бўлишича, маблағ ажратилмагани учун 42-мактаб ҳовлисини девор билан ўраш ишлари тўхтаб турган экан. Вилоят ҳокимининг кўрсатмаси билан бу ишларга 75 миллион сўм ажратилди. 5-мактабгача таълим муассасасида ҳам ишчилар етишмагани учун иш суръати кечикаётган экан. Бу объектга тўлимча ишчи кучи жалб этилди.

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Халқимиз ушбу кутлуғ кунга ҳар бир соҳада ютуқ ва муваффақиятлар билан ҳозирлик кўрмоқда. Инвестиция дастури асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вилоятдаги қатор таълим муассасалари ҳам Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиб, ўқувчиларга ажойиб совға бўлади. Ҳадемай, ушбу таълим масканларида ўғил-қизларнинг шодон овози янграйди.

Орифжон СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

«Мактаб икки йил муқаддам таъмирдан чиқарилиб, худуд бағридаги салобатли ошиёнга айланиши ҳурматимизни янада ошириб юборди. Лекин қишнинг изғиринли кунлари бошланиши билан яна эски муаммолар бизни қийнай бошлади. Синфхоналар совуқлигидан болаларимиз мактабга боришдан зирилляпти. Ҳарорат пасайиб кетган кунлари 1-синфда ўқийдиган қизимни сабоқлардан олиб қолдим. Бу масалага ечим излаб қилган мурожаатларимиз бесамар кетди. Иситиш тизимининг носозлигиданми ёки кўмирнинг сифатсизлигиданми, ҳарқалай, муаммога ечим топилмади...»

қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида жорий таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 4 812,2 миллион сўм, кўмир жамғариш учун 1 702,9 миллион, 14 та таълим муассасасидаги 64 та иситиш қозонларини алмаштиришга 352 миллион сўм ажратилиши белгиланган. Мактабгача таълим муассасаларидан 6 таси мукамал, 97 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган. 4200 кв метр синган дераза ойналарини янгилаш учун 207,9 миллион сўм сарфланиши назарда тутилган. 5 101 тонна кўмир, 4 071 тонна брикет ва 326,5 тонна суюқ ёнилғи захираси яратиш учун 1 702,9 миллион сўм йўналтирилаётди.

Таълим муассасалари хоналарининг қишда иссиқ бўлиши ўқув-тарбия сифати ва самарадорлигига ажойиб таъсир қилади. Шу ўринда бир савол туғилади. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик, иситиш тизимларини созлаш ишлари ҳар йили бажарилади, мутасаддилар бу борадаги ишлар кўнгилдагидек тугагани ҳақида оғиз тўлдириб ҳисобот беришади. Аммо афсуски, айрим таълим муассасаларида қиш мавсумига келиб, муаммолар яна кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Мисол учун, вилоят-

кўркам қиёфа касб этиши чинакамига байрам руҳини улашганди. Аммо...

— Икки фарзандим — Ақният ва Марина Тургановалар шу даргоҳда таълим-тарбия олади, — дейди Айман Умиртаева. — Ўқитувчиларнинг фидойилиги бизни ҳамиша мамнун этган. Мониторинг таҳлилларига кўра, мактаб тумандаги таълим муассасалари орасида етакчи ўринда экани ҳам фикримизнинг далили. Мактаб икки йил муқаддам таъмирдан чиқарилиб, худуд бағридаги салобатли ошиёнга айланиши ҳурматимизни янада ошириб юборди. Лекин қишнинг изғиринли кунлари бошланиши билан яна эски муаммолар бизни қийнай бошлади. Синфхоналар совуқлигидан болаларимиз мактабга боришдан зирилляпти. Ҳарорат пасайиб кетган кунлари 1-синфда ўқийдиган қизимни сабоқлардан олиб қолдим. Бу масалага ечим излаб қилган мурожаатларимиз бесамар кетди. Иситиш тизимининг носозлигиданми ёки кўмирнинг сифатсизлигиданми, ҳарқалай, муаммога ечим топилмади...

Қоидага кўра, капитал таъмир якунлангач, махсус комиссия аъзолари уни қабул қилиб олади. Бунда белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилганига алоҳида эътибор берилади. Шундай экан, Томдидаги 6-мактаб-

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

Jismoniy tarbiya

Yangi o'quv yilidagi muhim yangiliklardan biri bu kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlarining ta'lim jarayoniga joriy etilishidir. Jismoniy tarbiya fanining yangi o'quv dasturida "Sog'lomlashtiruvchi mashqlarni bajarishni tushunish va qo'llay olish kompetensiyasi", "Jismoniy mashqlar majmuasini ketma-ketlikda to'g'ri bajarish orqali jismoniy sifatlarini rivojlantirish kompetensiyasi", "Sport asbob-anjomlaridan xavfsiz usullarda foydalanish kompetensiyasi" singari fanga oid kompetensiyalar berilgan. Sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar o'z imkoniyati va hududiy sharoitlarni inobatga olgan holda kompetensiyalarni shakllantirishda nimalarga ahamiyat berish lozim, degan savolga javob topishlari kerak bo'ladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida jismoniy tarbiya fanini o'qitishdan maqsad — o'quvchilarni jismonan baqovvat, epchil, sog'lom qilib tarbiyalash, inson salomatligi to'g'risidagi bilimlarini rivojlantirish, jismoniy tarbiya fanidan egallagan bilimlarini hayotda qo'llay olish ko'nikmasi va layoqatini shakllantirishdan iborat. Jismoniy tarbiya fanini

o'qitishning asosiy vazifalari — sog'lomlashtiruvchi mashqlarni bajarishni tushunish va qo'llay olish; jismoniy mashqlarni ketma-ketlikda to'g'ri bajarish orqali jismoniy sifatlarini rivojlantirish, sport asbob-anjomlaridan foydalanishning xavfsiz usullarini o'rgatish, sog'lom turmush tarzini jamoatchilik o'rtasida keng targ'ib etishda tayanch va jismoniy tarbiya faniga oid kompetensiyalarni shakllantirishdan iboratdir.

Jismoniy tarbiya fanidan o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan o'quv dasturi hamda amaldagi o'quv dasturining qiyosiy tahliliga ko'ra, 1-sinfda 20 foiz, 2-, 3-sinfda 30 foiz, 4-sinfda 25 foiz, 5-, 6-, 7-, 8-sinfda 35 foiz, 9-sinfda 40 foiz o'zgarishlar kiritildi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida jismoniy tarbiya o'qituvchisi mashg'ulotga tayyorgarlikni dars ishlanmasi yozishdan boshlaydi. O'qituvchi, avvalo, o'quv dasturi bilan mukammal tanishgach, sinflar kesimida mavzular ketma-ketligida dars ishlanmalari yozishi shart. Dars ishlanmalarini tayyorlashda Xalq ta'limi vazirligi tavsiyalaridan foydalanish lozim. Bunda asosiy e'tibor mavzudan kelib chiqqan holda, dars maqsadini belgilash bo'lib, tayanch va fanga oid kompetensiyalar elementlarini aniq va to'liq holda kiritishi kerak.

O'quv dasturiga sportning shaxmat va shahka turlari bo'yicha yangi bo'lim

kiritildi. Bu esa o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga xizmat qiladi. Qolaversa, sportning mazkur turlari bilan muntazam shug'ullanish o'quvchilarning ziyraklik, holatni oldindan ko'ra bilish qobiliyati, matematik savodxonligini oshirishga hissa qo'shadi.

O'g'il-qizlarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishda darsliklardan unumli va o'rinni foydalanish muhim ahamiyatga ega. Ayniqsa, nazariy ma'lumotlar asosida belgilangan mashqlarni bajarish o'ziga xos mahorat talab etadi.

2017-2018-o'quv yilida jismoniy tarbiya fanidan 1-, 4-, 7-, 8-sinf darsliklari kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS va o'quv dasturiga muvofiq qayta ishlanib, chop etildi. Berilgan muammoli topshiriq va boshqotirmalar o'quvchilarning fikrlash doirasini kengaytiradi.

Avgust kengashlari sho'ba yig'ilishlarida o'tgan o'quv yilida amalga oshirilgan ishlarni sarhisob qilish, yo'l qo'yilgan kamchiliklarni bartaraf etish, mavjud muammolarga yechim topish yuzasidan takliflar olinib, istiqboldagi vazifalar muhokama qilinadi. "Mahorat maktabi" o'qituvchilarining ish tajribasi ommalashtiriladi.

Jismoniy tarbiya darsining sifat va samaradorligini oshirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan ham samarali foydalanish katta ahamiyatga ega. Masalan, o'quvchilarga mamlaka-

timda sport sohasida olib borilayotgan ishlar, sportchilarimizning olamshumul yutuqlari haqidagi ma'lumotlarni ekran orqali ko'rsatish o'quvchining nafaqat fanga qiziqishini oshiradi, balki g'alabaga ishtiyoqini kuchaytirib, sog'lom turmush tarziga rioya qilish ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Sho'ba yig'ilishlarida quyidagi mavzularni muhokama qilish yangi o'quv yilida ta'lim sifati va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi:

— Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sonli qarori bilan tasdiqlangan davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturini amaliyotga tatbiq etishdagi muammo va yechimlar;

— jismoniy tarbiyadan 1-, 4-, 7-, 8-sinf darsliklari orqali o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish usullari;

— mavjud sport seksiyalari ishni takomillashtirish, ulardan oqilona va samarali foydalanish usullarini tatbiq etish;

— sport jihozlaridan to'g'ri va samarali foydalanish hamda ularni saqlash qoidalari;

— darsdan tashqari tashkil etiladigan sport turlari bo'yicha to'g'ri va muvofiq usullarini o'qituvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish usullari;

— "Umid nihollari" sport o'yinlari qatnashuvchi o'quvchilarni tayyorlab borish va maktablarda muntazam ravishda hududiy sport bellashuvlari hamda musobaqalar tashkil etish.

Musiqa madaniyati

Musiqa madaniyati fanini o'g'il-qizlarimizning ma'naviyatini, badiiy, axloqiy madaniyatini shakllantirish, milliy g'urur, vatanparvarlik ruhida ulg'ayishi, ijodkorlik qobiliyati rivojlanishi, nafosat va badiiy didi o'sishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Musiqa tinglash badiiy ta'limning muhim vositalaridan biri bo'lib, o'quvchilarda kuzatuvchanlikni, musiqiy xotirani mustahkamlaydi, obrazli tasavvur qilishga o'rgatadi. O'zbek va jahon kompozitorlari asarlarini, turli musiqiy janrlarni bir-biridan farqlay olish qobiliyatini shakllantirib, musiqani badiiy-g'oyaviy jihatdan to'g'ri idrok etib, estetik zavqlanishiga imkon beradi. Tinglash qoidalari esa o'quvchilarni musiqani diqqat-e'tibor bilan eshitishga o'rgatadi.

Umumta'lim maktablarida musiqi madaniyati fanining kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan yangi davlat ta'lim standartida fanga oid "Musiqiy savodxonlik kompetensiyasi", "Jamao bo'lib kuylash kompetensiyasi", "Musiqi tinglash va tahlil qilish kompetensiyasi" kabi uch nomdagi kompetensiya belgilangan bo'lib, ular tayanch kompetensiyalar bilan birga shakllantiriladi.

Musiqa madaniyati fanidan kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan yangi o'quv dasturida qator o'zgarishlar

kiritilgan. Jumladan, o'quv dasturiga 1—4-sinfda 28 foiz, 5—7-sinflarda 38 foiz o'zgarish kiritildi.

Yangi chop etilgan 1-, 4-, 6-, 7-sinf darsliklariga quyidagi o'zgartirishlar kiritildi.

1-sinf "Musiqi" (mualliflar H.Nurmatov, N.Norxo'jayev) darsligidagi X.Hasanovning "Buvijonim" qo'shig'i N.Norxo'jayevning "Nevaralar" qo'shig'i bilan almashtirildi. Bir qancha qo'shiqlarning joyi mavzu asosida o'zgartirildi. Shuningdek, mazkur darslikning illyustratsiyalari ham yangilandi.

6-sinf darsligi (muallif S.Begmatov) 2008-yildan beri qayta nashr etilmagan edi. Bu orada o'quv dasturlari bir necha bor o'zgartirildi, takomillashtirildi. Shu bois darslikning mazmuni, strukturasi ekspertlarning tavsiyasi asosida yangi material bilan boyitilib, 65—70 foiz hajmda o'zgartirildi.

Jumladan: — jamao bo'lib kuylash va musiqi tinglash darslar kesimida shartli belgilar bilan berildi;

— tinglash uchun berilgan "Samoyi Dugoh" mavzusi "Tasnifi Buzruk" kuyiga almashtirildi;

— musiqi savodi bo'yicha berilgan kuy namunalar o'rniga ritmik shakllarda kuylashga xos mashqlar kiritildi;

— darslikdagi "Farg'ona — Toshkent mumtoz musiqasi" va "Katta ashula" mavzulari birlashtirildi;

— musiqi savodi uchun berilgan 2 ta solfedjio mashqlari umumlashtirilib, mavzuga yangi kuy va uni

davom ettirish sharti bilan topshiriqli vazifa kiritildi;

— Xorazm mumtoz musiqasiga berilgan "Chapandozi Suvora" misoli o'rniga bolalar uchun yaxshi tanish bo'lgan "Aliqambar" kuyi kiritildi;

— musiqi savodida berilgan kuy o'rniga "Xorazm dostonchilik san'ati ijrochilik yo'li" nazariy mashg'ulot sifatida kiritildi. Bu o'quvchilar ongiga Xorazm dostonlari va doston ijrochiligidagi shu vohaga xos bo'lgan ma'lumotlarni singdirish orqali, ular qalbiga vatanparvarlik, musiqi merosimizga hurmat, tarixiy shaxslar va ijrochilikda tanilgan buyuk ijrochilari-mizdan faxrlanish hissini singdiradi. Shuningdek, dostonlar va doston ijrochilari haqida ma'lumotlar ham joy olgan;

— musiqi savodida kuylash uchun berilgan kuy o'rniga "Surxondaryo—Qashqadaryo doston ijrochilik uslublari" mavzusidagi nazariy-tarixiy ma'lumotlar kiritildi. Musiqi savodiga berilgan ushbu mavzu o'quvchilarga vohalarining asosiy musiqiy merosi, dostonchilik san'ati, ularning amaliyotda mavjud namunalarini, ijro amaliyotida shakllangan dostonchi, baxshi va shoirlar haqida kerakli ma'lumotlar olishlariga yordam beradi. Ushbu ma'lumotlar o'quvchilarning mustaqil ishlari uchun ham qiziqarli. Eng muhimi, ularda milliy an'analarga nisbatan ijobiy munosabat shakllanadi, qadriyatlarimizni e'zozlash ko'nikmalari rivojlanadi;

— "Klassik musiqi" mavzusi o'quvchilarga tushunarli tilda bayon etilgan holda musiqi

savodida berildi. Ushbu mavzu o'quvchilar tomonidan alohida o'rganiladi va muayyan topshiriqlar asosida mustaqil ishlari ko'rinishida davom ettiriladi;

— Musiqi savodi uchun berilgan solfedjio kuyi o'rniga, o'quv dasturida belgilangan "Intervallar" mavzusidagi musiqiy nazariy mashg'ulot kiritildi;

— "Folklor musiqi" va "Dostonchilik san'ati" mavzulari birlashtirildi. Topshiriqlar mantiqan moslashtirildi va qisqartirildi.

— Musiqi savodida "Folklor musiqi" mavzusi takomillashtirilib, o'quvchilar uchun muayyan tushuncha beradigan ma'lumotlar, folklor musiqi namunasi solfedjio uchun kuy mashqi kiritildi;

— O'quvchilarni yaqindan tanishtirish maqsadida xalq cholg'ularidan namunalar kiritildi;

— O'quvchilarni eron, uyg'ur, xitoy xalq cholg'ulari bilan yaqindan tanishtirish maqsadida ushbu xalqlarning xalq qo'shiqlaridan namunalar o'rniga xalq cholg'ularining foto illyustratsiyalari kiritildi;

— Darslikka yangi N.Norxo'jayevning "Dadil bo'lib — ahil bo'lib", A.Mansurovning "Kim epchil-u, kim chaqqon", N.Norxo'jayevning "Diyorim" qo'shiqlari ham kiritildi. Zamonaviy kompozitorlarimizning istiqbol g'oyasi negizida aytiladigan qo'shiqlari o'quvchilarni mustaqillik g'oyalari ruhida tarbiyalash uchun imkon beradi. Ularda yangicha fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi;

— darslikdagi "Musiqi savodi" bo'limi uchun maxsus "Kantata va oratoriya janrlarining xususiyatlari" mavzusi kiritildi. Bunda o'quvchilarga har bir atama bo'yicha muayyan tushunchalar berildi.

Darsliklarga har bir chorak so'ngida nazorat mashg'ulotlari kiritildi. Har bir mavzu uchun berilgan topshiriqlar va mashqlar umumlashtirildi. Nazorat uchun topshiriqlar, savollar qayta ko'rib chiqilib, choraklar kesimida alohida test savollari (javoblari) hamda boshqotirmalar kiritildi.

Darslikka "Jamao bo'lib kuylash" va "Ovoz sozlash mashqlari" qo'shildi. Yangi zamonaviy qo'shiqlar bilan boyitildi.

Sho'ba yig'ilishlarida hududning imkoniyatini inobatga olgan holda muhokama qilish uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

— musiqi madaniyati fanidan o'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda mustaqil ta'limning o'rni;

— musiqi madaniyati darslarida mediareсурslardan samarali foydalanish usullari;

— musiqi madaniyati fanidan yo'nalishtirish bo'yicha to'g'ri va muvofiq usullarini tashkil etish metodikasi;

— 2017-2018-o'quv yilida chop etilgan musiqi darsligi orqali o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish usullari; — musiqi madaniyati fanini o'qitishda madaniy merosimiz, milliy qadriyatlarimizning o'rni.

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

An'anaviy avgust kengashlarining sho'ba va yalpi yig'ilishlarini tashkil etish hamda o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

Texnologiya fani

Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli qaroriga binoan 2017-2018-o'quv yilidan boshlab mehnat ta'limi fani nomi texnologiya fani deb o'zgartirildi. Bugungi kun talablaridan kelib chiqqan holda ushbu fan bo'yicha ko'p tarmoqli DTS ishlab chiqilib, amaliyotga bosqich-ma-bosqich joriy etish rejalashtirilmoqda.

Texnologiya fani boshlang'ich ta'lim yo'nalishida umumlashgan holda, 5-9-sinflarda esa "Texnologiya va dizayn", "Servis xizmati" yo'nalishlarida o'qitilishi belgilandi. 5-9-sinflarda "Texnologiya va dizayn", "Servis xizmati" yo'nalishlariga yangidan "Polimer materiallarga ishlov berish texnologiyasi", "Elektronika asoslari" va "Ro'zg'orshunoslik asoslari" bo'limlari kiritildi. Mavjud bo'limlardagi mavzular takomillashtirildi.

O'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan o'quv dasturi hamda amaldagi o'quv dasturining qiyosiy tahliliga ko'ra, 1-sinfda 48,4 foiz, 2-sinfda 47 foiz, 3-sinfda 50 foiz, 4-sinfda 44 foiz, 5-sinfda 40 foiz, 6-sinfda 33 foiz, 7-sinfda 48 foiz, 8-sinfda 58 foiz, 9-sinfda 59 foiz, umumiy o'quv dasturiga 53 foiz o'zgartirish kiritildi.

Yangi DTS va o'quv dasturiga ko'ra o'quvchilarda fanga oid kompetensiyalarni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Texnologiya fanida "Buyum va mahsulot turlari, ularni tayyorlash va ishlov berish usullarini bilish, texnologik loyihalash hamda amalga oshirish kompetensiyasi"ni shakllantirishda o'qituvchi quyidagilarga e'tibor qaratishi lozim:

Texnologiya fani umumta'lim maktablarida 1-9-sinflarda o'qitiladi. Har bir sinf kesimida o'qitiladigan mavzular umumiy soatining 75 foizi amaliy mashg'ulotdan iborat bo'lib, o'quvchi qaysi sinfda tahlil olmasin, u har bir darsda ma'lum bir buyumni yasash texnologiyasi bilan tanishadi. Buyumni yasashdan avval bu buyum qayerda va qachon, nima maqsadda ishlatilishi, kelib chiqish tarixi, xomashyosi, tayyorlanish bosqichlari va turlari haqidagi ma'lumotlarga ega bo'ladi. O'quvchi ushbu ma'lumotlarga asoslangan holda uning yangi ko'rinishini texnologik loyihalaydi, xomashyoga ishlov berish usullaridan foydalanib, buyumning dizayniga o'zgartirish kiritgan holda yangi ko'rinishdagi buyumni yasashni o'rganadi. Bu kompetensiyani shakllantirish orqali o'quvchida texnik va texnologik jarayonlarni bajarishda qo'llaniladigan operatsion bilim, ko'nikma va malakalar rivojlantiriladi. Natijada o'quvchi texnologik xaritalardan foydalangan holda o'zi mustaqil turli ko'rinishdagi buyumlarning dizayniga o'zgartirish kiritib, xaridorning buyum yasaydi.

O'quvchi har bir ishni bajarishda texnologik operatsiyalarni to'g'ri qo'llashi va xavfsizlik texnikasi qoidalarga rioya qilishi kerak. Mazkur operatsiyalarni bajarishda bosh miya tomonidan qo'l harakatlarining ongli ravishda boshqarilishi, ishni bajarish tartibi ketma-ketlikda to'g'ri qo'llanilishi natijasida o'quvchi sifatli buyumni tez va oson, ijodiy yondashgan holda yasay oladi. Psixomotorik harakatlar oddiy, o'rta va kompleks harakatlarga ajratiladi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida oddiy va o'rta harakatlar bajarilsa, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limida bu harakatlar kompleks amalga oshiriladi. Maktab ta'limidagi bunday mashg'ulotlar o'quvchini keyingi kasb-hunar tanlash bosqichiga tayyorlab boradi.

Texnologiya fani umumiy o'rta ta'lim fanlari orasida kasb-hunarga yo'naltiruvchi asosiy fan hisoblanadi. Shu sababli har bir dars jarayonida o'quvchilarga kasb-hunarlar haqida ma'lumot berish bilan birga ular to'g'ri va ongli kasb tanlashga o'rgatiladi. Mehnat munosabatlariga kirisha olish ko'nikmasi rivojlantiriladi.

Demak, o'quvchida fanga oid kompetensiyalar shakllanishi natijasida u

o'z hayotida kerak bo'ladigan zaruriy kompetensiyalarni egallaydi.

O'qituvchi fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish bosqichlarini kundalik dars ishlanmasining maqsadi va vazifalarida, dars jarayonining qaysi bosqichida shakllantirishni ko'rsatadi. Mavzuga oid integratsiya qilingan o'quv dasturi mavzulari berilgan bo'lsa, uni ham kiritishi lozim. Har bir dars ishlanmasida berilgan texnologiya va metodlar, ko'rgazmali qurollar kompetensiyalarni shakllantirishga qaratilgan bo'lishi kerak.

1-, 4-, 6- va 7-sinf darsliklari joriy o'quv yilida chop etilsa, 2018-2019-o'quv yilida 8- va 9-sinflar uchun darsliklar kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan DTS asosida nashr qilinishi rejalashtirilmoqda.

O'qituvchi darslik bilan ishlash orqali ham o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishi lozim. Masalan, "Issiq ichimliklar va shifobaxsh damlamalarni tayyorlash" mavzusini o'rganish orqali o'quvchi issiq ichimliklarning ahamiyatini biladi. Uni mustaqil tayyorlay oladi, shifobaxsh damlamalarning xususiyati, tayyorlash bosqichlarini kundalik hayotida qo'llay olish layoqatini egallaydi. Shu jarayonda mavzuni o'rganish bo'yicha do'stlari, yaqinlari bilan o'zaro muloqot qiladi, manbalarni o'rganadi, tahlil qiladi, o'z ustida ishlab, yangi shifobaxsh damlamalarni kashf etadi. Faoliyatini o'rtoqlari va o'qituvchi oldida izohlab berib, kashfiyotchilik borasidagi g'oyasini himoya qila oladi. Damlamani tayyorlash jarayonida kerakli mahsulotlarni me'yorida ishlatish orqali matematik savodxonligi oshadi.

Texnologiya fanidan to'garak mashg'ulotlarida iqtidorli hamda bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilar uchun alohida reja tuzish lozim.

Iqtidorli o'quvchilar uchun tuzilgan reja o'quvchilarning iqtidori, qiziqishi va qobiliyatini shakllantirishga qaratilgan bo'lsa, bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarning fanga qiziqishini oshirish maqsadida sodda ko'rinishdagi buyumlarni tayyorlashni o'rgatish kerak.

Maktabdagi fan bo'yicha metod-birlashmaning yillik ish rejasini tuzishda fanning sifat va samaradorligini oshirishga qaratilgan vazifalar, ichki nazorat savollariga tayanch va fanga oid kompetensiyalar shakllanganligini aniqlashga oid savollar, ochiq va yopiq testlarni kiritish, ochiq darslar va namunalari tarbiyaviy soat, tadbirlar, ijodiy ko'rgazmalar, ilg'or tajribalarni almashishga ham e'tibor qaratish lozim.

Sho'ba yig'ilishlarida muhokama qilish uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

- texnologiya fanidan o'qituvchilarning kasbiy kompetensiyasini oshirishda axborot bilan ishlash kompetensiyasining ahamiyati;
- texnologiya darslarida fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishda mediarekurslardan foydalanish;

- o'quv dasturiga kiritilgan yangi bo'limlarni o'zlashtirishda innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish;

- amaliy mashg'ulot jarayonida texnologik xaritalardan foydalanish;
- texnologiya fanidan to'garak mashg'ulotlariga yangicha yondashuv;

- o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va ongli kasb tashlashda hududiy imkoniyatlar hamda o'quvchi qiziqishlarining mutanosibligi;

- o'quvchilar egallagan bilim, ko'nikma va malakalarni hayotga tatbiq etishda o'qituvchining mahorati;

- 2017-2018-o'quv yilida umumiy o'rta ta'lim maktablarida foydalaniladigan "Texnologiya" darsliklari orqali o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirish yo'llari;

- texnologiya fanini o'qitishda milliy va umummadaniy kompetensiyalarning o'rni;
- o'quvchilarni kasb tanlashga yo'naltirishda maktab, ota-ona, mahalla, hududiy kasb-hunar kollejarining hamkorligi;

- boshlang'ich sinf o'quvchilarida psixomotor, funksional hamda amaliy faoliyat turlarini bajarishdagi operatsion kompetensiyalarni shakllantirishda qo'l mehnatidan unumli foydalanish;
- fan xonasidagi jihozlardan unumli foydalanish va ularni saqlash usullari.

Tasviriy san'at va chizmachilik

2017-2018-o'quv yilidan boshlab tasviriy san'at o'quv fani ham umumiy o'rta ta'lim maktablarida kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi asosida o'qitiladi. Bu ta'lim jarayonini zamon talablari asosida tashkil etish, o'qitish sifati va samaradorligini oshirishning muhim shartlaridan biridir.

Tasviriy san'at fanidan o'quvchilarda kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan o'quv dasturiga 48,3 foiz, chizmachilik fani o'quv dasturiga esa 30,5 foiz o'zgarish kiritildi.

2017-2018-o'quv yili uchun chop etilayotgan 1-, 4-, 6-, 7-sinf darsliklari kompetensiyaviy yondashuv asosida qayta ishlanib, dizayn va mazmun jihatidan yangilandi, takomillashtirildi.

Shu o'rinda haqli savol tug'iladi: amaldagi darsliklarga qanday o'zgarishlar kiritildi? Ushbu o'zgarishlar kompetensiyaviy yondashuvni joriy etish uchun qanday qulayliklar yaratadi?

2017-2018-o'quv yilida chop etilishi rejalashtirilgan 1-sinflar uchun "Tasviriy san'at" darsligida berilgan savol va topshiriqlar hamda mavzuga oid illyustratsiyalar ko'rib chiqilib, takomillashtirildi. Jumladan, darslikdagi 66 ta fotoillyustratsiyalardan 22 tasi qayta ishlandi, 10 ta yangi mavzuga oid fotoillyustratsiyalar kiritildi. 4-sinf darsligidagi 7 ta illyustratsiya qayta ishlanib, 7 ta yangi mavzuga oid fotoillyustratsiyalar kiritildi. 6-sinf darsligida ham 7 ta illyustratsiya qayta ishlandi, 9 ta yangi mavzuga oid fotoillyustratsiyalar kiritildi. 7-sinf darsligida 10 ta fotoillyustratsiyalar qayta ishlanib, 5 ta yangi fotoillyustratsiyalar kiritildi.

7-sinf "Tasviriy san'at" darsligida berilgan "Oqim va yo'nalishlar" bo'limida "Kubizm" uslubini, uning kelib chiqishi, mazkur uslubda asar yaratish bosqichlari, kubizm uslubining asoschisi Pol Sezanning avtoportreti hamda biografiyasi berildi. Bundan tashqari, pantiilist rassomlarning ijod usuli haqidagi tafsilotlar, pantiilist uslubida ishlangan asar reproduksiyalariga sharhlar berilishi o'quvchini o'z ustida mustaqil ishlashga, axborotni turli manbalardan olish, tahlil qilish, gapirib berish, shu yo'nalishda ishlangan asarni tahlil qila olish qobiliyatini rivojlantirishga xizmat qiladi. Tafakkurini kengaytirib, xotirasini mustahkamlaydi, boriqni idrok etish va go'zallikni his qilishga, ranglar uyg'unligi, rassomlarning ish uslubini, asar tarixi, unda aks etgan ruhiy holatni idrok etishga o'rgatadi.

Darslikning matni kitobat san'atiga oid tarixiy va zamonaviy materiallar bilan to'ldirildi. Ayrim parchalar (masalan, mustaqil o'qish uchun adabiyotlar) olib tashlandi. Kitobat san'atining badiiy-grafik elementlari haqida qo'shimcha ma'lumotlar berilib, maxsus atamalarga izoh keltirildi. Darslik mazmuniga mos illyustrativ materiallar bilan boyitildi.

O'zbekistonlik kitob bezovchi rassomlar — o'zbek xalq e'taklari illyustratsiyalar ishlagan rassomlar haqida qo'shimcha ma'lumotlar kiritildi.

Dars va mashg'ulotlarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish darsning sifati va samaradorligini oshirishga ijobiy

ta'sir ko'rsatadi. Sho'ba yig'ilishlarida o'qituvchilar tomonidan sinflar kesimida mavzular ketma-ketligida foydalanish mumkin bo'lgan videoroliklar, videofilmlar, videodars va taqdimot materiallari bazasini "Mahorat maktablari"da shakllantirib, kartotekasini ishlab chiqqan holda barcha hududiy umumta'lim maktablariga tarqatish lozim. Ushbu tajribani qo'llash natijasida o'quvchining tasviriy san'at faniga qiziqishi ortadi, o'qituvchining faoliyatida qulayliklar yuzaga keladi.

Tasviriy san'at fanining DTSga asosan o'quvchilarda tayanch va fanga oid kompetensiyalarni shakllantirishga alohida ahamiyat berish lozim. Jumladan, "Naturaning xarakterli jihatlari kuzatish, tahlil qilish va ifodalay olish kompetensiyasi", "Tasvir yoki haykalning bosqichlari ketma-ketligini to'g'ri bajarish kompetensiyasi" o'quvchilarda tasviriy savodxonlikni rivojlantirib, badiiy tafakkurini yuksaltirishga xizmat qiladi. Estetik va emosional sezgirlikni o'stirish orqali ijtimoiy hayotda zarur bo'lgan bilimlarni egallashga, ularidan kundalik hayotida foydalanishga o'rgatadi.

Chizmachilik fanini o'rgatishda o'quvchilarning chizmalari chizish va chizmani o'qish qoidalarga amal qilish, grafik tafakkurini hayotda qo'llay olish layoqatini shakllantirish, texnik ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirish, termin va tushunchalar, sodda elektron dasturlarni amaliyotda qo'llashga o'rganish, chizmachilik ish qurollaridan to'g'ri foydalanish va chizmani ketma-ketlikda to'g'ri bajarish kabi yo'nalishlarda bilimlari boyitiladi. O'qituvchi chizmachilik darslarida o'quvchilarda "chizmachilikda qo'llaniladigan termin va tushunchalarni bilish hamda qo'llay olish kompetensiyasi" va "ish qurollaridan to'g'ri foydalanish va chizmani ketma-ketlikda to'g'ri bajarish kompetensiyasi" kabi kompetensiyalarni shakllantirishga e'tibor qaratishi lozim.

Tasviriy san'at ta'limi va chizmachilik fanlari bo'yicha sho'ba yig'ilishlarida muhokama qilish uchun quyidagi mavzular tavsiya etiladi:

- tasviriy san'at fanini o'qitishda o'quvchilarning nazariy, amaliy-tasviriy jihatdan puxta bilim olishiga erishish va bu jarayonda o'qituvchining izlanuvchanligi masalasi;

- tasviriy san'at mashg'ulotlarini tabiat qo'ynida tashkil etishning afzalliklari;

- ommaviy axborot vositalarida chop etilgan badiiy ta'lim mazmuni va metodikasiga oid materiallardan tasviriy san'at darslarida foydalanish;

- tasviriy san'at darslarida o'quvchilarning ijodkorlik faoliyatini rivojlantirish;

- tasviriy san'at fanini o'qitishda madaniy merosimizdan unumli foydalanish;

- ijodiy qobiliyatni rivojlantirishda darsdan tashqari tashkil etiladigan to'garak mashg'ulotlarning ahamiyati uyg'unligini ta'minlash;

- tasviriy san'atdagi oqim va yo'nalishlarda ko'rgazmalilik, illyustratsiya va reproduksiyalarni tashkil etish;

- tasviriy san'at darslarida o'quv-texnik vositalar, elektron darslik va multimediaalardan foydalanish amaliyoti va istiqbollari;

- chizmachilik darslarida o'quvchilarning texnik ijodkorligini va fazoviy tasavvurlarini rivojlantirish omillari.

Respublika ta'lim markazi

Машғулотлар самарадорлиги

тажриба, маҳорат ва изланишга боғлиқ

Жиззах вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси тингловчиларга таълим-тарбияга оид энг сўнгги янгиликларни етказиш учун янги педагогик технологияларнинг таъсирчан усулларидан фойдаланишга янги ёндашмоқда. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ноанъанавий усуллар кенг қўлланилмоқда.

Яқинда математика ва информатика йўналиши тингловчилари учун ташкил этилган намунали машғулотлар шулар жумласидандир. Жиззах политехника институти доценти, техника фанлари номзоди Ботир Қўзиев математика фанини ўқитишда "Math. CAD" дастуридан фойдаланиш мавзусида ноанъанавий машғулот ўтказди. Ахборот-коммуникация технологияларидан дарс жараёнида фойдаланишнинг афзалликлари ўзида акс эттирган семинар-тренинг тартибидеги очик машғулот тингловчиларнинг шу йўналишдаги билимларини мустахкамлаш, тажрибала-

рини оширишга хизмат қилди. Институтнинг катта ўқитувчиси Нормамат Дангалов информатика ўқитувчилари учун ўтган "Maple дастури" мавзусидаги намунали машғулот ҳам барчага бирдек фойдали бўлди.

— Бундай намунали машғулотлар амалиётда бизга катта ёрдам беради, — дейди курс тингловчиси, Жиззах шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси Хуршид Саидов. — Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва дастурлаш борасида тасавуриимиз кенгайди. Ўқувчиларга мавзуларни етарли даражада



Jarayon

етказишнинг турли самарали усулларини, АКТ имкониятларини ўргандик.

Айтиш жоизки, институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари учун АКТ ҳамда чет тилларни ўрганиш бўйича доимий ўқувлар ташкил этилган. Ходимларнинг компьютер саводхонлиги тест орқали назорат қилиб борилаётир. Жараёнда тингловчилар билан анкета саволлари ўтказиш аънаёна айланган. Савол-жавоб асносида ҳар бир тингловчи малака ошириш тизимидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Жамоада ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишга эътибор катта. Фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг аксарияти мавзу олиб, илмий изланишларини давомий эфир-

моқда. Профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий, ғоявий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини аниқлаш бўйича тест синовлари ўтказиб келинапти. Бу устоз ва мураббийларнинг сиёсий савиясини ошириш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини мустахкамлашга асос бўлмоқда.

Тингловчилар ўртасида мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида "Ойнинг энг фаол тингловчиси", "Энг фаол китобхон" каби кўрик-танловлар, янги асар муҳокамаси, маҳаллий ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Малака ошириш курсларида касбий маҳоратини ошираётган устоз-мураббийларнинг кейинчалик ўз меҳнат жамоасида эгаллаган билимларини соҳага нечоғлик татбиқ этаётгани мунтазам мони-

торинг қилинмоқда. Уларнинг энг яхши дарс ишланмалари, очик дарслари, намунали машғулотлари ўрганилиб, оммалаштирилди. Вилоятдаги тажрибали педагоглар, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови гойиблари билан давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

— Беш йўналиш бўйича ривожланишнинг устоз вазибаларини ўз ичига олган Ҳаракатлар стратегиясида бошқа соҳалар қатори таълим-тарбияни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари белгилаб берилган, — дейди Жиззах вилояти ХТХҚТМОИ ректори вазибаларини бажарувчи Сардор Расулов. — Бу муҳим ҳужжат биздан ўз ишимизга алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади. Шунга асосан барча кафедраларнинг тингловчилар билан ишлаш, машғулотлар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси тузиб олинди.

Абдусаттор СОДИКОВ

Кўчма малака ошириш курслари

Раҳбарнинг ўз иш ўрнида бўлиши жамоада тартиб-интизомни сақлаб, иш унумдорлигини оширади. Ишни тўғри ташкил эта олиш, назоратни меъёрида ушлаш ҳамда ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, ходимларни рағбатлантириб туриш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда таълим муассасаси раҳбарлари малакасини ошириш тизими йўлга қўйилган. Шу кунгача раҳбар ходимлар бир ой давомида ўз иш жойидан ажралган ҳолда Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОИда ўз билим ва маҳоратларини ошираётган эди.

— Умумтаълим мактаблари директорлари ҳар уч йилда малака ошириши шарт, — дейди Наманган шаҳридаги 82-мактаб директори Маъсуда Мирзамова. — Бунинг учун раҳбар бир ой муддатда ишдан ажралиб, давлат ҳисобидан кетадиган салмоқли маблағ эвазига хизмат сафарига бориши талаб этилган. Бу шу вақт мобайнида иш унумдорлиги ва таълим сифатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 23 майдаги 170-сонли буйруғига асосан халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда ўқув жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва тингловчиларнинг яшаш манзилларини инобатга олган ҳолда Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ томонидан июнь-декабрь ойларида кўчма малака ошириш курслари ташкил этилиб, ўқув режа ишлаб чиқилгани бу муаммага ечим бўлди.

Унга кўра, марказий институт томонидан шу йилнинг июнь ойида Наманган ва Андижон вилояти бўйича бешта гуруҳда жами 250 тингловчининг малакасини ошириш бўйича кўчма машғулот ташкил этилди.

Жумладан, Андижон вилоятида 125 нафар мактаб директори малака ошириш курсларида иш



жойидан узоқлашмаган ҳолда малака оширди. Сифатли таълимни таъминлаш мақсадида марказий институтнинг 25 нафар профессор-ўқитувчилари ўқувлар олиб борди.

— Мактаб директорлари курс давомида таълим соҳасидаги ўзгаришлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли ҳамда "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарори мазмун-моҳиятини ўрганди, — дейди Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ ҳудудий ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича масъул ходими Муроджон Аҳмедов. — Ўқув курслари давомида турли семинарлар ташкил этилди. Мактаб

директорларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида машғулотларга Андижон вилояти молия бoshqarmasidan юқори малакали мутахассислар таклиф этилди. Таълим муассасалари фаолиятида йўл қўйилаётган молиявий қонунбузилишлар ва уларнинг олдини олиш чоралари, раҳбар

кадрларга нисбатан қўлланилаётган молиявий жарималар, харажатлар сметасини шакллантириш, бюджет ижросини таъминлаш тартиби мавзуларида давра суҳбатлари олиб борилди.

Наманган вилояти ХТХҚТМОИ базасида ташкил этилган ўқув курсларида амалдаги йилнинг иккинчи ярмида малака оширишлари режалаштирилган мактаб директорлари вилоятдан четга чиқмаган ҳолда сабоқ олди.

— Бу биз учун катта имконият бўлди, — дейди Янгикўрғон туманидаги 36-мактаб директори Собитхон Баҳриддинов. — Етакчи устозлардан таълим тизимидаги энг сўнгги янгиликлар, технологиялар ва услубларни ўзлаштирдик. Энг муҳими, олган билимларимизни шу куннинг ўзида мактаб жамоасига етказиш, улар би-

лан ҳамфикр бўлиш имкони туғилди.

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОИнинг масъул вакили Зарифа Сотимбоева яратиб берилган шарт-шароит ва эътибордан мамнун эканлигини изҳор этади:

— Вилоятда профессор-ўқитувчиларимиз учун жуда яхши шароит яратилган. Барча машғулотлар мукамал жиҳозланган, зарур қулайликлар ва техник имкониятларга эга аудиторияларда ўтилди.

Моддий-техник имкониятлар кенглиги таълим сифати ва мазмунига ижобий таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Фарғона вилояти ва марказий институт (Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятидаги таълим муассасалари раҳбарлари учун) да 14 та гуруҳда жами — 350 нафар, октябрь ойида Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва марказий институтда 18 та гуруҳда жами — 450 нафар, ноябрь ойида Бухоро (Навоий вилояти учун ҳам), Самарқанд (Жиззах вилояти учун ҳам) вилоятларида ва марказий институтда 20 та гуруҳда жами — 500 нафар, декабрь ойида Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва марказий институтда 17 та гуруҳда жами — 425 нафар тингловчиларнинг малакасини ошириш режалаштирилган.

Худудларга борадиган ҳар бир профессор-ўқитувчининг нафақат тингловчиларга, балки ҳудудий малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларига ҳам ҳуқуқ қарорлари ва таълимга оид меъёрий ҳужжатлар мазмунини тушунириш бўйича махсус семинарлар ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
Орифжон СИДДИКОВ,
Фанишер АКБАРОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

Навоий нечта жанрда ижод қилган?

Инсоннинг табииати қизик — ҳаммининг ҳам хотираси мустаҳкам бўлавермайди донм. Мабодо қизмадир иккита маълумот айтганимиз, кейин текшириб кўрсангиз, айтмагларингиздан бирини эслаб қалайми, иккинчисини эшитмади. Хўш, сизнингча қайси асбобот оғизга яхшироқ ўрнашади? Эни ҳаёққисси, муайянфот, шундайми? Қандай маълумотни муайян дея оламиз? Аввало, рақами борини! Дейлик, Шотландиядан Ёурсорага автомобилнингизда ҳисоблангиз. Ўзи-ўзи қайси Самарқандда — Мирзо Улуғбек расадхонаси бекатида бир оянингиз сиз билан кўришди, кўшганини бериб юбормоқчи. Ўнга кўришди, қилиб, иккита оянингиз:

— Соат бешларга Самарқанддан ўтсак керак. Булуғурга борганимизда яна кўришди, қиламан! — дейсиз.



Мақсад аниқ — биродарингиз бир дақиқа ҳам овора бўлмасин. Булуғурга етганда у уйдан чиқса ҳам, бахузур ўз вақтида бекатда шай туради. Лекин биродарингиз беш деганда бекатда бўлади. Сабаби, икки жумла гапдан рақами боринигина маҳкам тутиб, кейинги гапингизни тамом унутди-қўйди. Сиз-чи, Галлаоролда тўхтаб, бамайлхотир овқатланиб, Мирзо Улуғбек бекатига мўлжалдаги бешда эмас, оптидан ўтганда етиб келдингиз. Оғайнингиз-чи, қора совуқда нақд бир ярим соат тик туриб сизни кутди. Айб кимда? Айб ўзида!

Гапни бунчалар узоқдан олиб келадиганимизнинг сабаби бор. Алишер Навоий лирикасини тадқиқ қилган олимлар шoirнинг 16 лирик жанрда ижод қилганини қайл эйтишади. Маълумотнинг тўғрими ёки нотўғрелигини текширишга-да бош қотирмаган мутахассисларнинг акаси матбуот, радио ва телевидендеда: “Навоий 16 жанрда ижод қилган”, — дейди ишонч билан. Биргина мисол: “Алишер Навоий 16 та адабий жанрда ижод қилган”, дея келтиради тадқиқотчилардан бири (С а т т о р о в Ш. Мир Алишер Навоий ҳақида 15 маълумот, 10 ҳикмат ва бир ривоят — “Жаноб”, 2017 йил, 1-сон. 7-бет). Бу жумладаги “адабий” сўзи ўрнига “лирик” сўзи қўллансагина фикр тўғри бўлар эди. Бу далили газета ёки журналда ўқисангиз, радио ёки телевидение орқали эшитсангиз ҳам, унинг хато эканини муаллиф ёки сўзловчи, энг ёмони мингминг ўқувчи ва тинловчига айта олмайсиз. Оқибатда, ўқитанлару эшитганлар онда шу асосиз фикр муҳрланиб қолаверади.

Бу йилги навоийхонлик тадбирларида, айрим матбуот чиқишлари ҳамда радио ва телевидение материалларида ҳам баъзилар шoirнинг 16 та жанрда ижод қилганини айтишди. Йўқ, бу хато! Яхшиси, Алишер Навоий айнан нечта жанрда асарлар яратганини аниқлаштириб олсак, чувалган калавингиз учти топилади. Ушбу бахсталаб фикрларни аниқроқ ҳал этишда Ҳазратнинг “Мукаммал асарлар тўплами” кўмаклашди бизга.

“Ҳазойин ул-маоний”га кирган девонлардаги жами 16 жанр қуйидагилардир: ғазал, мустаоз, мухаммас, таржибанд, (лирик) маснавий, қитъа, рубоий, таркиббанд, муаммо, мусаллас, қасида, қистон (лугз), туюқ, мусамман, соқийнома, фард. Бу санокда жанрларни “Ҳазойин ул-маоний” девонларида учраган тартиб бўйича келтирдик.

Маълумки, шoir форс-тожик тилида “Фоний” тахаллуси билан битилган лирик асарларини “Девони Фоний”га жамлади. Бу тўпламда “Ҳазойин ул-маоний”га кирган девонларда учрамайдиган 2 та лирик жанр мавжуд. Булар — марсия билан таърих.

Шунинг учун, *Навоий туркий ва форсий тилда жами 18 лирик жанрда ижод қилган*, деб ҳисоблаш зарур.

19-жанр — дебоча. Шoir ўзи тузган дастлабки девон бўлмиш “Бадойиъ ул-бидоя”га ҳамда “Ҳазойин ул-маоний”га алоҳида-алоҳида “Дебоча”лар битди.

20-жанр — муножот. Улуғ мутафаккирининг навоийшуносликда “Муножот” номи билан машҳур бўлган иччам нарсий асари жанрини шундай белгилаш мумкин. Аслида, Навоий лирик асарлари орасида ҳам муножот-ғазал, муножот-рубоий ва бошқалар бор, олти достоннинг бошланиш қисмларида ҳам муножот боблар мавжуд. Лекин илмда дастлаб шoirнинг ўзи тузган “Куллиёт”и учун махсус сўзбоши сифатида ёзилган деб қаралган, кейинроқ эса Оллоҳга тавба-тазарру ва илтижолар қилиш илтижиди махсус битилган асар сифатида баҳоланган бу нарсий асар жанрини “муножот” деб белгилашдан бошқа йўл йўқ.

21-жанр — достон. “Хамса”даги беш асар (“Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъбий сайёр”, “Сади Искандарий”) ҳамда “Лисон ул-тайр” — достон. Уларни “маснавий” деб аташ ҳам расм бўлган. Бироқ “Ҳазойин ул-маоний”да ҳам жуфтқофияга асосланган байтлардан иборат бир лирик маснавий, яъни Навоийнинг устозларидан бири Саййид Ҳасан Ардашерга йўллаган шеърий мактуби ўрин олган. Агар кейин санаганимиз олти лиро-эпик асарни ҳам “маснавий” десак, уларни лирик маснавий билан

бир жанр деб ҳисоблашимизга тўғри келади ва бу илман хато бўлур эди. Шунинг учун биз бу олти асар жанрини “достон” деб ҳисоблаш тарафдоримиз. Бу олти достонга нисбатан “маснавий” атамасини ҳам қўллашга ҳеч ким қарши эмас. Аммо бу жанрни эмас, шеърий шаклни билдириб келишини унутмаслик керак. Жанрни белгилашда эса, шаклий хусусиятлардан ташқари, мазмун жиҳати ҳам жилдий ҳисобга олинади.

22-жанр — тазкира. Навоий иккита тазкира яратган. “Мажолис ун-нафоис” — шoirлар ва “Насойим ул-муҳаббат

нинг учун бу икки асар жанрини “тарихий рисола” тарзида белгилаш лозим кўрилади. Номларидан ҳам аниқлашиб турганидек, “Тарихи анбиё ва ҳуқомо”-да пайғамбарлар ва ҳақимлар ҳаёти ҳақида маълумотлар берилиб, уларнинг эътиборли сўзларидан намуналар келтирилади ҳамда “Тарихи мулуки Ажам”да Эрон подшоҳлари тарихи ёритилиб, тарих муайян системага солинади. Бу икки асарини Навоийнинг ўзи бир умумий ном остида бириктириб, “Зублат ул-таворих” деб ҳам атайди.

23-жанр — вақфонома. Навоийнинг 40 ёшида, яъни 1481 йили битган “Вақфия” асари жанри шу тарзда белгиланди. Чунки бу асар шу қалар ўзига хоски, моҳиятан уни бошқа жанрга қўшиб бўлмайди.

24-жанр — назмий рисола. “Сирож ул-муслимин” асарини шунга киритиш мумкин. Чунки бу асар амалда шарият тартиб-қоидалари ҳақидаги рисола. Фақат у назмий йўл билан битилган, холос. Бу асарда назм бор, лекин у шеър эмас. Шеърда шуур бадиий бўлиши керак.

25-жанр — назмий таржима. “Арбаъин” билан “Назм ул-жавоҳир”ни шу тоифага киритиш мумкин. Ҳазрат Абдураҳмон Жомий Муҳаммад(с.а.в.)нинг 40 ҳадисини танлаб, форс-тожик тилида назмий йўл билан 40 қитъа тарзида баён этади. Навоий пири ва устозидан руҳат сўраб, шу назмий матнни ўзбек тилига таржима қилади. “Назм ул-жавоҳир”нинг юзага келиши ҳам шунга ўхшайди. Ундаги 255 рубоий чачорёрлардан бири, тўртинчи халифа бўлмиш Ҳазрат Алининг ҳикматли сўзлари асосида битилган.

26-жанр — тахмис. Аслида, “мухаммас” ва “тахмис” сўзлари бир маънони, яъни ҳар бади беш мисрадан ташкил топган, қофиялари *аааа, бббба, вввва* ва ҳоказо тарзда бўлган лирик жанрни билдиради. Бироқ ҳозирги адабиётшунослигимизда бу жанрнинг бир муаллиф тарафидан битилган оҳорий (оригинал) намуналарини “мухаммас”, бир муаллифнинг ғазали байтлари олдидан ўша мисраларга шаклан ва мазмунан мос равишда 3 сатрдан қўлиш асосида битилган намуналари эса “тахмис” дейиш расм бўла борапти. Шунга қўра, биз ҳам тахмисни алоҳида жанр сифатида ажратдик. Навоий ижодида тахмиснинг иккитагина намунасини учратамиз. Биринчиси — “Ҳазойин ул-маоний”нинг иккинчи девони бўлмиш “Наводир уш-шабоб”даги Лутфийнинг:

*Кўкдадур ҳар дам фиғоним
кўрғай сен моҳин,
Давоийи меҳрингга товуқ
тортадурмен оҳин,* —

деб бошланадиган ғазалига боғланган. Иккинчиси “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 20-жилди “Расмий девонларга кирмаган шеърлар” қисмида берилган Хусайнийнинг:

*Ғунҷайи хандон бориб,
қўнғудумда қолди хор-хор,
Тилмағур жонимга онсиз
дунда бор не бор?! —*

мавласи билан бошланадиган ғазалига боғланган тахмис.

20 жилдик “Мукаммал асарлар тўплами”га киритилган “Рисолайи тийр андохтан” асарининг тили ва услуби таҳлили унинг Навоий қаламига мансуб эканига шубҳа туғдиргани учун унинг жанрини белгилашга уриниб ўтирилмади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий бутун ижодида жами 31 адабий-ижодий жанрда асар яратгани аёнлашди. Шунинг ўзи ҳам баъзи олимлар келтирган рақамдан икки баробар кўп.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими аълочиси

Мазкур мавзуга эътибор қаратишимизнинг сабаби, жорий йил бошида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатида «Зика» вирусига чалиниш ҳолати қайд этилгани таъкидланди: «2007 йилдан буён 72 мамлакатда ҳашоратлардан юқувчи «Зика» вируси қайд этилган», дейилади ЖССТнинг маълумотномасида. Манбага кўра, бу кўрсаткич 2015-2016 йилларда янада ошган. Ҳўш, «Зика» вируси қандай касаллик? Чиндан ҳам у одамзод учун шунчалик хавфлими?

Инсонга чивинлар орқали ўтадиган ўткир юқумли касаллик — «Зика» безгаги илк марта Британиянинг Виргин оролида қайд этилган. Вирус ҳомилдор аёллар учун, айниқса, хавфли бўлиб, уни юқтирган онанинг туғилажак фарзанди тугма микроцефалия (бошнинг меъёрдан кичик ҳолати) билан дунёга келади.

Бу вирус ўтган асрнинг ўрталарида фанга маълум бўлган бўлса-да, узок йиллар давомида деярли зарарсиз саналиб келинди. Касаллик ҳарорат кўтарилиши, баданда тошма тошиши, бўғимлардаги оғриқ, конъюнктивит, яъни кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши билан кечади. «Зика» флавивируслар турига мансуб ва унинг клиник хусусиятлари сариқ безгак, денге безгагига яқин туради. Чунки уларнинг барчаси чивинлар орқали юқади.

«Meduza» манбасида келтирилишича, мазкур вирус илк марта 1947 йилда Африкадаги Зика ўрмонида яшовчи макака маймунларида топилган. Ушбу тропик ўрмон Угандада, порт-шаҳар Энтеббе ёнида жойлашган. Кейинроқ олимлар вирусни маълум турдаги чивинлар ташишини аниқлади. Шунингдек, чақалоқларда «Зика» билан боғлиқ марказий асаб тизими ривожланишида нуқсонли ўзгаришлар кузатилади. Уша вақтда бу вирус эпидемия даражасига етмагани боис батафсил ўрганилмаган эди. Чунки вирус аниқланганидан кейинги 60 йил давомида «Зика»нинг «иситма безгаги» деган расмий ташхиси атиги 15 нафар беморга қўйилиб, унинг тарқалиш ҳудуди Африка ҳамда Жануби-шарқий Осиё бўлган.

Оғритмайдиган касаллик

ЖССТ Лотин Америкасида кенг тарқалиб бораётган «Зика» вируси Канада ва Чилидан ташқари бутун ғарбий арийм шарга хавф туғдираётганини маълум қилди. Микронезия ва Полинезияда касаллик урчи бошлаган 2007 йилга қадар «Зика» вируси инсонларда камдан кам ҳолатларда аниқланган.

Аммо вирус ва эндигона туғилган чақалоқларда-

ги микроцефалия орасидаги боғлиқликка аниқлик киритилгач, натижаси кўкўксдан сайёрамиз ахлини хавотирга солди. Вирус Бразилияда 2014 йили футбол бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш вақтида кузатилди. Ҳатто бу вирус туфайли Рио-де-Жанейрода ўтказилган ёзги

Безгак болаларни безиллатади

«Зика» безгаги бу вирус кашф этилганидан сўнг орадан 60 йил ўтгач, биринчи марта Яп (Микронезия) оролида авж олади. Бироқ бирорта ҳам ўлим ҳолати қайд этилмагани учун бу ҳодисага у қадар эътибор берилмади. 2015 йилга келиб «Зика» безгаги Жанубий ва Марказий Америкада (айнан Бразилияда) жуда тез тарқала бошлагач, бу воқеа катта шовшувга айланди.

Тропик чивинлар бўлмаган ҳудудларда яшовчилар ҳам ўзларини хавф-хатардан холи деб ҳисоблай олмайдди. Сенегалда ишлаган ва безгак вирусини орти-

Иккинчидан, 2014 йили Бразилияда ҳомилдор аёллар қатъий тартибда қоқшол, дифтерия ва кўкўталга қарши эмланди. Фармацевтика компаниялари эса ҳомилдор аёлларга мўлжалланган кўкўталга қарши вакцинанинг хавфсизлигини исботлаб беришмаган. Лекин уларнинг босими шу қадар кучли бўлдики, Бразилия ҳукумати туғилажак болалар соғлиги учун қайғуриш ўрнига шундай хатарли қадамни ташлади, яъни акс таъсири назоратдан ўтмаган препаратлардан фойдаланилди.

2015 йилда Бразилиянинг ўзида ярим миллионга яқин киши «Зика» безгагидан азият чеқди. Беморларнинг аниқ сонини айтиш имконсиз, боиси ҳамма ҳам шифокорларга мурожаат

«Зика» вируси


чақалоқнинг микроцефалия хасталиги билан дунёга келишига сабаб бўлади

Олимпия ўйинлари бекор қилинишига бир баҳа қолганди.

Вирус келтириб чиқарилган «Зика» безгаги конъюнктивит (кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши), бош ва бўғим оғриғи, яллиғланиш жараёни, алоҳида ҳолатларда эса кўнгил бехузур бўлиши ва қайт қилиш, ошқозонда бузилиш ва оғриқларни келтириб чиқаради. Шундай бўлса-да, вирус кам ўрганилган, вакцина ва самарали даво чораси ишлаб чиқилмаган.

Вируснинг яна бир хавфли жиҳати шундаки, у «Гийена-Барре» синдромини келтириб чиқариши мумкин. У ноёб аутоиммун касаллик бўлиб, мушаклар ҳолсизланиши билан намоён бўлади. 15 фоиз ҳолатда синдром фалажликни келтириб чиқариб, нафас етишмаслиги оқибатида ўлимга олиб бориши ҳам мумкин. Микроцефалияда бўлгани каби, «Гийена-Барре» синдромининг ҳам «Зика» вирусига қандай боғлиқлиги борлиги номаълумлигича қолмоқда.

«Зика» вирусининг бир қарашда дунё жамоатчилиги диққатини тортадиган ҳеч бир жиҳати йўқдек эди. Чивин чаққан африкалик ва осийликлар аччиқ азобдан жон таслим қилмас, кўп қон йўқотмас, атрофдагиларга касал юқтирмасди. Икки кунлик ҳолсизлик, ёнгил бош оғриғи, иситма, бўғимлардаги оғриқ, баданда тошма сингари симптомлар фақатгина ҳар бешинчи беморда кузатилган. Қолганлари эса қон таҳлилидан сўнггина ўзининг касаллигини пайқаган. Унгача ўзларидан бирор жиддий хасталик аломатини сезишмаган.



риб олган америкалик олим АКШга қайтгач, хотинига ҳам касалликни юқтиради. Чунки «Зика» вируси интим муносабат орқали ҳам юқиши мумкин.

Бироқ «Зика» безгаги ҳомилдор аёлларнинг ўзига эмас, ҳомиласига тез таъсир қилади. Чунки «Зика» вируси микроцефалия, яъни мия ҳамда бош суюғи ўсишини секинлаштиришдек давосиз дардни келтириб чиқаради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Бразилияда «Зика» безгаги эпидемияси бошланган 2015 йилда мамлакатда микроцефалия билан туғилган гўдаклар сонини ноодатий равишда ошиб кетган. Таъкидлаш керакки, бунга сабаб бўлувчи омилар кўп. Биринчидан, Бразилия қишлоқ ҳўжалигида XXI аср бошиданок бошқа ҳар қандай мамлакатга нисбатан сезиларли даражада кўп пестицид ишлатила бошланди. Боз устига, кўплаб ривожланган давлатларда, жумладан, Россияда ҳам таъкидланган кимёвий дорилар қўлланилди. Бу, шубҳасиз, озик-овқат муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради, аммо пестицидлар бўлажак оналар саломатлигига фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради.

этавермайди. Ҳозирда «Aedes aegypti» пашшалари яшайдиган Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Америка Тинч океани минтақаси давлатларида мазкур хасталик тарқалиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Касалликка пандемия мақоми берилди. Дунёга машҳур фармацевтика компаниялари «Зика» безгагига қарши вакцина ишлаб чиқаришни йўлга қўйишини маълум қилган.

Мутахассислар нима дейди?

Хавфли безгаки юқтирдиган чивинларни майда оқ доғларидан таниб олиш ва бу зараркунандалар кундузи фаол бўлишини кузатиш мумкин. «Зика» вирусини тарқатувчи чивинлар илиқ иқлимни хуш кўради. Эпидемия тарқалган мамлакатларга тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, у ерда микроцефалияга чалинган болаларга невролог ва физиотерапевтларнинг ёрдами зарур.

Дунёнинг турли мамлакатларида мазкур вируснинг олдини олиш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Сальвадор давлати мазкур безгакка чалинган аёлларга яқин уч йилда фарзанд кўрмаслик-

Bilasizmi?

ни тавсия қилмоқда. Бразилия шифокорлари ҳам худди шундай фикрда. АКШ ҳукумати эса ҳомилдор аёлларга вирус тарқалган мамлакатларга бормасликни маслахат бермоқда.

«Cell Stem Cell» журналида қайд этилишича, хитойлик олимлар айни мавзу юзасидан тадқиқот ўтказиб, она қорнидаги эмбрионнинг миёсига ўрнашган «Зика» вируси мия ҳўжайраларини кичрайтирганини илмий жиҳатдан исботлади.

Мутахассислар лаборатория шароитида сичқон қорнидаги 13 кунлик эмбрионга «Зика» вирусини «юқтирди». Натижада мия ва нерв тизимидаги ҳўжайралар инфекцияларга қарши химосиз эканини қайд этган олимлар эндигина ривожланаётган мия «Зика» вируси юборилганидан кейин беш кун ўтгач, торайганини кузатишди. Қолаверса, бу вирус ҳомилдорлик пайтида кучга киргани ва эмбрион мия ҳўжайралари ривожланишига тўсқинлик қилгани исботланди.

ЖССТга ўтган йили учта ороллар мамлакатини «Зика» вируси тарқалгани ҳақида маълум қилди. Ташкилотнинг Женевада чоп этилган ахборотномасида келтирилишича, 52 мамлакат ва худуддан «Зика» вируси ҳақида охири хабар қилганлар учта ороллар давлати — Маршалл ороллари, Тринидад ва Тобаго, Сент-Винсент ва Гренадинлардир. Маълумотларда бу ерларга «Зика» вируси айнан қачон кириб келгани маълум қилинмаган.

Бразилия ҳукумати янги туғилган чақалоқларнинг 4 минг нафаридан бош айланаси 33 сантиметрдан кичик экани, мамлакатда ҳар йили 150 дан ортиқ мана шунга ўхшаш ҳолат кузатилишини таъкидлаган.

Ҳозирги вақтда «Зика» вируси билан курашишнинг энг самарали усули дезинфекция ўтказиш, яъни чивинларга қарши курашиб-дир. Бу жараён тўпланиб қолган сувларни йўқотиш, зараркунанда ҳашоратларга қарши курашини ҳам ўз ичига олади. Хасталикнинг чуқур ўрганиш босқичи кечаётган айни паллада эҳтиёткорлик чораларини кўриш фойдадан холи бўлмайди.

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

ГРИПП ҲОМИЛАДОРЛИКДА ХАВФЛИ

Америка ва норвегиялик бир гуруҳ олимлар ҳомиладор аёлнинг грипп билан оғриши боланинг аутистик спектр бузилишлари билан туғилиш эҳтимолини икки карра оширишини аниқлади. Мазкур тадқиқот натижаси Колумбия университети маълумотлари асосида «mSphere» журналида эълон қилинди.



лифларидан бири Ян Липкин.

Олимларнинг тадқиқот ишлари, нафақат тиббий маълумотномалар, балки грипп билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг лаборатория таҳлили натижаларидан ҳам фарқ қилди.

Сўнгги йилларда аутистик спектр бузилишлари билан туғилган болаларнинг оналаридан олинган қон намуналари ҳамда анкеталарини ўрганиш учун мутахассислар 338 нафар норвегиялик ёш онани танлаб олди. Шунингдек, ҳомиладорлик даврида касал бўлмаган, соғлом 348 нафар аёл назорат гуруҳига киритилди.


Тадқиқотчилар мазкур натижалар ҳали дастлабки бўлиб, статистик маълумот эмаслигини алоҳида таъкидламоқда. «Ҳомиладорлик даврида инфекциянинг пайдо бўлиши боланинг албатта аутизм билан туғилишини аниқламайди. Бу — шунчаки хавф омилларидан бири бўлиши мумкин», деди тадқиқот муал-



МАРСДА ИНСОН «ҚИЁФА»СИ

«Mars Odyssey» орбитал станцияси Марс сайёрасида инсон чеҳрасини эслатувчи геологик рельефни аниқлади. Сурат «НАСА» фотожурналига жойлаштирилди.

Қисқа фурсатда дунё бўйлаб тарқалган мазкур тасвир «Mars Odyssey» станциясининг THEMIS (Thermal Emission Imaging System) илмий асбобида суратга олинган. Расмдан хайратланган НАСА ходимлари орасида «Сен ҳам мен кўраётган нарсани кўраясанми? Бу юз менга қараяптими?» каби ҳазиломуз гаплар пайдо бўлди.



тиш имкони туғилди.


2001 йилнинг апрель ойида Марсга учирилган «Mars Odyssey» автоматлаштирилган аппарати ўша йилнинг октябрь ойида «Қизил сайёра»га етиб борди. Дарвоқе, аппарат номи Артур Кларкнинг «2001: Космик Одиссей» номли машҳур асаридан олинган.

1976 йилда «Viking 1» станцияси суратга олган тасвир аввалроқ ном қозонганди. Унда ҳам инсон юзи шаклидаги рельеф тасвирига туширилганди. Ёруғлик, соя ва космик аппарат камералари ёрдамида тасвири янада яққол кузати-

ТОЗАЛАНГАН КУМУШ СУВИ

Шарқий Англия университети олимлари тозаланган кумуш суви ДНК бузилишига олиб келишини маълум қилди. Тозаланишнинг бу усули ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ичимлик суви муаммо бўлган Африкада кенг тарқалган. Илмий иш ҳақидаги маълумотлар «EurekAlert» сайтида эълон қилинди.

Кумушнинг инсон организмга таъсири оқибатларидан бири аргироз бўлиб, унда тери кумушсимон ёки кўкиш-қулранг тусга қиради. Аснода металлнинг сувдаги зичлиги 1 литрга 0,1 миллиграмм бўлгандагина хавфсиз ҳисобланади. Бирок бунда унинг ДНКга таъсири ўрганилмаган.



Мутахассислар сувда эритилган кумушнинг таъсири ҳамда унинг ҳайвонлар организмга бириктирилиши баҳолашчи кўплаб кузатув натижаларини таҳлил қилди ва бир хулосага келди. Яъни, кумуш аксарият ҳолларда генотоксик таъсирга эга бўлиб, ДНК ҳужайраларидаги молекулалар бутунлигига зиён етказди. Шунингдек, у spermatozoiddagi генларни зарарлаши алоҳида қайд этилди.

Олимларнинг айтишича, кумушнинг ҳужайраларга салбий таъсири даражасини аниқлаш учун янада янги ва илғор тадқиқотлар олиб бориш зарур.

«IPHONE 6» ҚАЙТА ПАТЕНТЛАНДИ

«iPhone 6» смартфон дизайни учун «Apple» корпорацияси қайта патент олди. Ҳужжат АҚШнинг патент ва савдо маркаларини рўйхатдан ўтказиш бюроси (USPTO) сайтида нашр этилди.

Маълум бўлишича, талабнома 2016 йилнинг сентябрида берилган. Ихтиро муаллифлари сифатида Жонни Айв ва «Apple»нинг бошқа ҳамкорлари номи келтирилди. Шунингдек, ҳужжатга смартфоннинг турли ракурсларда олинган сурати илова қилинди.



Қайд этиш жоизки, «Apple» iPhone 6 смартфонининг таъшиқ кўриниши учун 2016 йилнинг октябридаёқ патент олишга улгурган. Демак, талабнома 2014 йилда смартфон тақдимот маросимидан 4 кун олдин топширилган. Навбатдаги патент эса ички корпус элементлари учун олинди.

2014 йилда тақдим этилган «iPhone 6» аввалиги смартфонлардан ўзгача дизайни билан фарқ қилади. Компания улар билан бир вақтда илк бор оммага кучайтирилган дисплейли Plus-версия аппаратлари ҳақида ҳам маълум қилди. У 2016 йилнинг сентябрида ўтказилган «iPhone 7» тақдимотидан сўнг ишлаб чиқарилган.

Ирода ТОШМАТОВА ва Муниса АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит ҳуқуқий тизими яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда юзга келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар ички ишлар органлари, хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ва олдини олиш борасида бир қатор янги вазифаларни қўймоқда.

Ёнғин ўчириш тизими такомиллашмоқда

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда бу соҳалар фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда зарур моддий-техник база билан таъминлаш мақсадида харид қилинган ўт ўчириш автомобиллари ҳамда асбоб-ускуналари эришилаётган ижобий натижаларнинг орттишига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида бошқа хизматлар қатори, ёнғин хавфсизлиги хизматида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, тизимнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Хусусан, мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан қуйи тизимларга ёнғин-техник асҳаларини етказиб бериш таъминоти такомиллаштирилиб, дунёнинг ривожланган давлатларидан ёнғин ўчириш автомобиллари хариди амалга оширилди. Айнқса, «СамАвто» МЧЖда ёнғин ўчи-

риш автомобиллари ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилиши муҳим янгилик бўлди. Бугун Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида «Isuzu» шассисидан тайёрланган ёнғин ва ўрта турдаги автоцистерналардан самарали фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, соҳада ўлчаш асбобларининг метрологик кўрсаткичлари, ўлчашнинг универсал ва махсус воситалари, электромеханик, рақамли, ҳарорат ва босим ўлчаш асбоблари, ўлчаш техникасидаги янги ва автоматлаштирилган ти-

зимларнинг амалиётга кенг татбиқ қилиниши соҳада амалга оширилаётган амалий ишларнинг яққол ифодасидир.

Эндиликда, шунга мос тарзда ишлаш билан биргаликда, аҳоли ўртасида ёнғин келиб чиқилишининг олдини олиш юзасидан тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш ҳам олдимизга қўйилган асосий вазифа саналади. Зеро, замонавий техника имкониятларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланган.

Абдурахмон ПАРДАЕВ,
Ёнғин хавфсизлиги институти
«Ёнғин ўчириш техникаси» кафедраси
ўқитувчиси, капитан,
Фарходжон ХОЖАЕВ,
институтнинг «Умумий фанлар»
кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим

Болажонлар таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказишида таълим муассасалари маъмурияти билан бирга тиббиёт, ички ишлар идоралари, ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ҳам хиссаси катта. Бугун ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари жажжи ўғил-қизлар билан тўла. Бундай вазиятда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, айнқса, муҳим аҳамият касб этади.

Энг аввало, дам олиш масканларида ўт ўчириш воситаларининг тўлиқ мавжудлиги, биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ходимнинг бириктирилгани ва уларнинг бу борада етарлича билимга эга экани муҳим ўрин тутади. Ўт ўчириш воситаларининг вазифа ва хусусиятлари ифодаланган стендлар ҳам биноларнинг кўринарли жойларига ўрнатилиши зарур. Машғулот хоналаридаги электр таъминоти нуқталари текширилиб, носозлари тузатиб қўйилиши келиб чиқиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олади.

Шундай бўлса-да, ўйинқароқ болаларнинг қизиққонлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Улар қанчалик эътибор ва назорат остида бўлса, ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

Равшан ЯКУБОВ,
26-ХЁҲҚ смена бошлиғи, лейтенант,
Ж.БЕРДИЕВ,
ЁХБ 12-ХЁҲО 1-ХЁҲ алоҳида пост
кичик инспектори, кичик сержант,
Ш.РЎЗИХОДЖИЕВ
ЁХБ 12-ХЁҲО 1-ХЁҲ алоҳида пост
кичик инспектори, кичик сержант



Mutolaa zavqi

Кўнгал малҳами, руҳият мураббийи бўлган адабиёт инсонни нурига манзиллар сари ундаб, ҳамиша ўзидан юксалиб яшашга қоғлаб келади. Фаний дунёнинг афсусларидан юракни боҳабар этиши, нафсининг ўргим-чак тўри мисол қопқонларидан дилни омон сақлаш, уни кайҳоний туйғулар билан безаш адабиётнинг бош мезони дур. Шу боис, бадиий сўз ҳазинаси кўнгал мулки сифатида қадри, таълим-тарбияда унинг қудратли кучи, таъсири бамисли маёқ каби азиз ва муқаррам.

Миллий адабиётимиз саҳнасида камалакдай турфа рангларда товланаётган, юракларни ҳайрат манзиллари сари етаклаётган асарлар талайгина. Табиийки, уларнинг тили ҳам, услуби, тарзи ва тарҳи ҳам турфа. Таникли адибимиз Шукр Холмирозев асарлари самимий, халқона оҳанглар жўрлигида битилган бўлса, забардаст ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст роман ва қиссалари лабга нимтабассум улашувчи кинояли, аммо ширали тили билан ўқувчини мутолаага боғлаб қўяди. Тоғай Мурод битиклари бир қўшиқдай янграса, Аҳмад Аъзам китоблари ўқиган сари руҳингизга кўтаринкилик бахш этади. Очиғи, яна кўплаб адибларимиз ҳақида ҳам батафсил тўхталиш, ўзигагина хос услуби, ижод лабораторияси хусусида узоқ фикр юритиш мумкин. Истеъдодли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Асад Дилмурод ҳам ўз йўли, бетакрор услубига эга. Адиб маънавият ва моддий аро мувозанатни барқарор тутта билмак, ботини ва зоҳирий курашлар моҳиятини руҳий иштибоҳлар ва онг ости оқимини нозик ҳаракатлантириб ифодалади. У ўзбек насрига ички ҳамда тафаккурий талқинларга қурилган тарихий драматик асарлари билан кириб келди. Кейинчалик «Фано даштидаги қуш», «Ранг ва меҳвар» сингари янгича услубда битилган, адабий аъналардан юқорилаб, ноодатий шакл, ноъанавий ифодага йўрилган асарларини ҳам ўзбек китобхонлари яхши қабул қилди. Уларни ўқиб, пок хаёлотнинг боғларини кезди, инсон руҳияти оламнинг беадад-лигини ҳис этди.

«Шарқ юлдузи» журналининг 2016 йилдаги 8-, 9-, 10-сонларида адибнинг «Заррадаги олам» номли романи пешма-пеш босилди. Мутолаадан олган таассуротларни ўртоқлашишдан аввал адиб тўғрисида кўнгалимизда акс-садо берган фикрларга монандлигини

инобатга олиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгаши томонидан ёзилган ихчамгина тақриздан иқтибос келтирсак: «...Асад Дилмурод миллий руҳни янада юксалтириш ҳақида қайғуради, теран фикр уммонига шўнғиб, фақат қорин ташвиши ва бугуннинг гами билангина яшайдиган биомасса оқими, ҳалокат чоғи сари ундаётган турли салбий жараёнларга поэтик муносабат билдиради. Асарларидаги

«Заррадаги олам»га сайр

этакчи қахрамонлар жисм ва руҳ этикбўжлари орасида омонсиз кураш майдонида тасвирланади. Улар машаққатларга сабру бардош билан чидаб, эртанги кунга умид ва ишонч назари билан боқувчи эътиқод одамларидир. Адиб асосан мажоз тилида сўзлайди: *коса тагидаги нимкосани, бир тутам нур тимсолида ёруғликни, дарахт ортида — ўрмонни, алоҳида одам мисолида одамзодни, ниҳоят, заррада оламни кўришга интилади. Ўзаро боғлиқ нарса-ҳодисалар ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни ҳаракат муттасиллиги жараёнида кузатади...*

Мазкур романни ёзувчининг ижодидаги эволюцион босқич, ижодкорнинг галдаги кашф этилган қирраси десак, муболага бўлмас. «Заррадаги олам» рамзий ифодаларга бой. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, романи ўқиб ўқувчи маълум маънода ҳозирлик кўриши, дунёвий билимлар билан бирга тасаввуф илмидан-да хабардор, қолаверса, қадимий адабиётимизнинг номдор вакиллари ижоди билан ҳам яқиндан таниш бўлмоғи лозим. Йўқса, ўқувчи асар мазмун-моҳи-

ятига етиб бориши, мажозий мезонда келтирилаётган жумлаларни англамоғи қийин.

Асар қахрамонларидан бири Аваз ёшлигидан илми қол (зоҳирий илм) ва илми ҳол (таълим-тарбия ва уриниш натижасида эгаллаб бўлмайдиган, ғайбдан бериладиган илм: сўз билан ифодалаш амримахол ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феълу атвор ва ҳислатларнинг намоён бўлиши) билан ёшлигидан машғул бўлган йигит. Демак, қахрамоннинг кечинмаларини ҳис қилиш учун ўқувчи ҳам мазкур илм бўлоғи сувларидан тотиб кўрган бўлиши айни муддаодир.

Романининг рамзийлиги бундай усулда ёзилган асарларга кўзи ўрганмаган ўқувчи учун бироз

мураккабдек туюлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ зийрак китобxon мажозлар товланишини тушуниб олгач, мутолаа завқини туйиши, ундан ўзига керакли жавоҳирларни топиб олиши шубҳасиз. Асар мутолаасига киришган одам ундаги жойлар, қахрамонлар ва рўй бераётган жараёнларни ўзича тушунади. Ўзича талқин қилади. Хусусан, кимдир Курама чўлини кўхна даҳри дунга менгзаса, бошқа биров Шифо дарёсини ихлосининг рамзи деб тушуниши мумкин. Яна кимдир фақат эътиқод бутун инсонларгагина кўринадиган Ниҳонни кўнгалга ўхшатиши табиий. Асар кўп қатламли эканлиги туфайли, уни ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб кўнгалга сингдириши, ёхуд сингдириши, тегишли хулосаларга чиқариши мумкин.

Асар ноқерак чоқиримларсиз, содда, самимий битилган. Аммо муқаддимадан бошлаб мажозий маъно касб этишини инобатга олсак, коса тагидаги нимкосани, ҳикоя ортидаги яна бир ҳикояни уқа билмак учун диққатни бир нуқтага жамлаш, рамзий ифода ранг-

ларини тўғри ажрата билмоқ зарур.

Курама чўли, Ниҳон, Олача карвони, Тегана қишлоғи, Камолон шаҳри, Айриғум жари, Чегирма тўқайи, Шифо дарёси каби кўплаб рамзий маъно касб этган тасвир объектлари худдики яна бир алоҳида сирни яшириб тургандай таассурот уйғотади. Ҳаттоки қахрамонлар исмига-да туб маънолар юкланган, унинг замирида эса тегишли ҳақиқатлар яширинган. Зилола, Халил пурча, Лутфилла домла, Элёр отбоқар, Заранг дароз, Шафоат пари, Авазу бошқа қахрамонлар тимсолида инсоннинг турли феъл-атвори ҳар хил ракурсларда кўрсатилади. Мутолаага киришган китобxon ўқиб жараёнида уларни яхши таниб боради. Ва муаллиф қахрамонлар зиммасига юклаган рамз ва кўзга кўринмас жиҳатларни-да осон пайқайди. Ўн тўққиз сайр ва ундаги саргузаштлар аслида инсоннинг ўз ботинига, руҳиятига саёҳатдек туюлади ўқувчига.

Қахрамоннинг руҳий ҳолатини янада теран ифодалаш, воқеалар ривожини моҳиятини очиб бериш учун керакли ўринларда ҳазрат Навоий сатрларидан фойдаланилгани романига ўзига хос саноат бағишлайди. То ҳаёт бор экан, ишқ бор, инсон бор экан, муҳаббат мангу, деган кўхна ҳақиқатни ёдингизга солади бундай сатрлар.

Гоҳ руҳи осмон, гоҳ ерга тушган Аваз, Мусабек ва Заранг, Зилола, Лобару Шафоат парилар қарама-қаршисида муҳаббатига чанг солувчи Халиллару Тоғайлар ҳам ҳар доим мавжуд. Муҳими, адашмаслик, кўнғилини пок сақлаш, ўзликини излаш, камолотга интилиш. Ёзувчи бу муҳаббат тасвирлари воситасида ўқувчига кўхна ҳақиқатни бошқача йўсинда уқтирмақчи бўлади.

Қиссадан ҳисса шуки, «Заррадаги олам» кўнгалга қараб йўл олади, уни қалб ва дунё тўқнашган чорраҳага бошлайди. Алалоқибат, энгилмасликка интилиб, пок меҳвар сари қадам ташлаш лозимлигини уқтиради.

Абдували КҮТБИДДИН,
Хусан КАРВОНЛИ

Қишлоқдаги кутубхоначи отахон

Чироқчи туманининг Тулақул қишлоғида истиқомат қилувчи Абдурозик Абдурахмонов мана саксон ёшга тўлибдики, ҳамон изланишдан тўхтамайди. Тиниб-тинчимас фахрий муаллим китоб мутолаа қилади, йўғади. Унинг шахсий кутубхонасида мундан ортиқ адабий-бадиий, сийсий ва жаҳон адабиёти дурдоналари бор.

Қишлоқдаги ҳар бир китобxon отахоннинг кутубхонасига аъзо бўлган. Бу ерда ноёб китоблар жуда кўп. Айниқса, болалар адабиётини айтмай-сизми? Мактаб тадбирларининг у киши иштирокисиз ўтмаслигига сабаб ҳам шунда. Ҳеч бир болакай йўқки, отахон китоб совға қилмаган бўлса.

— Эндигина уруш тугаган машум давларда қишнинг қорли-қировли кунлари билли мистаб, қўшни қишлоқ мактабига қатнаганман. Келажакда ўқимишли инсон бўлишни орзу қилардим. Уйга



Oramizdagi odamlar

келолмасдан ўртоқларимникида ётиб қолган кунларим бўларди. Бола бўлсам-да, ош-нон танқис кезларда қозонини зўрга қайнатиб, болалари озгига нимадир тугаётган кишилар дастурхонига кўл узатиш мен учун қанчалар оғир эканлигини англардим. Буни сўз билан ифода этиб беролмайман. Онам раҳматли тўрт-бештагина зогоранонни сафар халтамга солиб берганлари ҳамон кўз ўнгимда. Бир ҳафтага қолмай но-

ним тугар, кимдан наҳот сўрашни билмасдим, — дея болалигини хотирлайди Абдурозик ота.

Абдурозик ота кейинчалик Самарқанд давлат университетининг география факультетида сиртдан ўқиди. 1958 йили университетни муваффақиятли тамомлаб, ўзи тугилиб ўсган Тулақул қишлоғидаги ҳозирги 55-умумтаълим мактабига ишлаш бошлади. Тез орада ҳамкасблари орасида ўзининг изланувчанлиги ва тиришқоқлиги билан обрў-эътибор топди. 1961 йилнинг сентябрида мактабга директор этиб тайинланди. Бир масъулиятига ўн масъулият қўшилган ёш раҳбар мактабни оқилона ва адолатли бошқарди. Мактабнинг ички имкониятларидан келиб

чиқиб, синфхона ҳамда ўқув қуроллари тақчиллигига барҳам берилди. Қўшимча синфхоналар очилди.

Фидойи муаллим «Халқ таълими аълоҳиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

1992 йили Абдурозик Абдурахмонов туман ҳокимлигининг тавсияси билан «Ланг» қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қила бошлади.

Олти минг хонадонни ўз ичига олган маҳаллада ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари аста-секин жонлантирилди. Ҳар бир хонадонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кенг йўлга қўйишши натижасида аҳоли фаровонлиги ошди.

— Қайси вазифада ишламай, энг аввало, кишиларни сабр-тоқат билан тингладим, — дейди қахрамонимиз. —

Маҳалла раиси сифатида жиноятчиликка барҳам бериш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, тарбияси оғир ёшлар билан доимий равишда профилактика ишларини олиб бориш, спорт ва соғломлаштириш ишларини жонлантиришга ҳаракат қилдим. Ҳар бир қишлоқда биттадан кутубхона қуришга эришилди. Қишлоқдошларимиз маърифатга яқинлашди, китобxon оилалар кўпайди.

— Абдурозик Абдурахмонов қишлоқда замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этиш ташаббуси билан чиқди, — дейди 55-умумтаълим мактаби директори Ҳамро Воҳидов. — АРМ учун мактаб қўйиндан жой ажратди. Қурилишда отахоннинг ўзи бош-қош бўлмоқчи. Насиб этса, янги ўқув йилида ахборот-ресурс марказини фойдаланишга топшираимиз.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

2017-yil 19-iyul, № 57 (9018)

Маҳаллалар билан ҳамкорлик дастури

хоразмлик ёшларнинг jismoniy тарбия ва спортга қизиқишини оширишда

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида jismoniy тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар ҳар томонлама соғлом ва тетик улгаймоқда. Мусобақаларда ўз истеъдоди ва салоҳиятини намойиш этиб, ота-онаси ва мураббийларнинг ишончини оқлаётир.

Хоразм воҳасида ҳам бу соҳага эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Вилоят jismoniy тарбия ва спорт бошқармаси томонидан барча туманларда ҳафтанинг ҳар шанба кuni jismoniy тарбия ва спорт мураббийлари учун ташкил этилаётган кенгайтирилган сайёр ўқув-услубий семинарлар ўқувчиларни jismoniy тарбия ва спортга кенг жалб этишга хизмат қилаётир. Семинарларга спорт мактаблари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга хизмат қилаётир. Семинарларга спорт мактаблари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга хизмат қилаётир.

— Ҳозирги кунда таълим муассасаларидаги спорт заллари ва майдончаларида яратилган имкониятлардан кўз қувонади, — дейди вилоят jismoniy тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Шокир Мадаминов. — Юртимизда ушбу соҳа янада такомиллашган бир пайтда қишлоқ жойларида спортга ошно тулинг болалар таълим муассасаларида яратилган бу имкониятлардан самарали фойдаланиши, jismoniy тарбия билан мунтазам шуғулланиши талаб этилади. Бироқ оилавий шароит тўғри келмаслиги, йўл узоклиги орзуанди ёшлар мақсадининг рўёбига халал бе-

риши бор гап. Аини масалалар ечими сифатида маҳаллалар билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқдик. Олис маҳаллаларда иқтидорли ўғил-қизлардан иборат жамоалар шакллантирилиб, режа асосида улар ўртасида ўзаро мусобақалар ўтказилапти. Мактаб стадионларини табиий чим билан қоплаш ишлари ҳам мутахассислар билан фикрлашган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга таътил кунлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида «Соғлом авлод — келажак пойдевори» шiori остида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Спорт соғлиқ гарови экан, бундай ҳамкорлик тизими барчамиздан самарали ёндашув ва изчил ташаббусларни талаб этади.

Вилоятдаги Урганч олимпия захиралари коллежи, 16 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (шундан тўрттаси спорт турларига ихтисослаштирилган БУСМлар), Урганч, Хива, Янгибозор, Богот туманларидаги футбол бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари ёшлар ихтиёрида. Ушбу замонавий масканларда минглаб хоразмлик ўғил-қизлар ўзлари қизиққан спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бир вақтнинг ўзига 20 спорт тури би-

лан шуғулланиш имкониятига эга «Ёшлик» спорт мажмуасидаги шарт-шароитлар жаҳон талабларига тўла мос келади.

Хоразмда вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Касаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда жорий йилнинг биринчи чоррағида 12 та оммавий спорт тадбири уюштирилди. Шулардан 6 таси республика миқёсида. Бокс, эркин кураш, турон яккакураши, стол тенниси бўйича мусобақаларда иштирокчилар сони ўн минг нафардан ошди.

Жорий йил 27—30 апрель кунлари «Ёшлик» спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар ўртасида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Кураш, яккакураш бўйича Хоразм полволлари охириги 5 йил ичида жаҳон биринчиликларида 10 олтин, 8 кумуш, 7 бронза, Осиё биринчиликларида 12 олтин, 8 кумуш, 7 бронза медалига сазовор бўлди. Кураш бўйича полвол қизимиз Гулёр Отажонова 2014 йили Кулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлангани бир ютук бўлса, Гулноза Матниёзованин жорий йилнинг 12—22 май кунлари Озарбойжонда ўтказилган IV «Ислон бирдамлик ўйинлари»да дзюдо бўйича 70 килограмгача вазн тоифасида олтин медалини кўлга киритгани икки карра қувонарлидир. 2016 йили Риоде-Жанейрода ўтказилган Олимпия

ўйинлари ҳамда Паралимпия мусобақаларида вилоятимиздан қатнашган 8 спортчининг 6 нафари совриндор бўлиб қайтди.

Шунингдек, 2017 йил 25—27 май кунлари Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — 2017» спорт мусобақасининг республика босқичида 74 нафар спортчимиз 17 спорт тури бўйича иштирок этиб, 8 олтин, 3 кумуш, 18 бронза, жами 29 медалини кўлга киритди. Айнқса футбол, баскетбол, волейбол, енгил атлетика, дзюдо, тазквондо WTF, эркин кураш ва оғир атлетика бўйича муваффақиятли иштирок этди. Бунда кўшқўпирлик ёшларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Вилоят шарафини ҳимоя қилган терма жамоалар аъзолари орасида Кўшқўпир туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шуғулланиб, ҳозир Урганч олимпия захиралари коллежида тахсил олаётган 8 нафар ўқувчи, қолаверса, Кўшқўпир политехника ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ёшлари ҳам муносиб иштирок этди. Улардан Ражаббой Отаназаров бокс бўйича 1-ўринни эгаллади. Мехринисо Курбонбоева, Анажон Норметова, Мумтоз Қаландарова, Жавоир Йулдошова ва Ўғилжон Хайитбоевдан иборат жамоа волейбол бўйича 3-ўринни кўлга киритди.

Бу каби ютуқлар замирида маҳаллалар билан ҳамкорлик дастури доирасида олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг jismoniy тарбия ва спортга кенг жалб этилаётгани муҳасам. Келажакда ана шу маҳаллаларда улғаяётган спортсевар болалар, умидли ёшларимиз она диёримиз довруғини бутун дунёга ёйиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришига ишонамиз.

Турсунои САТТОВА,
Кўшқўпир тумани jismoniy тарбия ва спорт бўлими бош мутахассиси

Пухта тузилган режа

спортчи муваффақиятини таъминлайди

Дарс якунлагач, ўқитувчимизнинг уйга вазифа сифатида берган саволи ҳаммамизни ўйлантириб қўйди: «Замонамизнинг энг тадбиркор, илғор кишиси ким?». Бир ҳафта ўйлаб ўйимизга етмагач, янги дарсда бунинг жавоби ўз вақтини катъий белгилаб, унга риоя қилаётган шахс эканини билиб олдик.

Дарҳақиқат, олтинга тенг умрни беҳуда сарфламай, улкан мақсад сари интилаётган спортчи тенгдошларимиз фикримизни далиллайди.

— Одатда, кунлик режаларимни олдиндан қоғозга қоралаб қўяман, — дейди тазквондо ИТФ бўйича Осиё чемпиони Шаҳноза Самадова. — Шунда тонг отибқоқ кунни нимадан бошлашни биласиз. Бордию бирор зарур юмуш чиқиб қолса, уни муҳимлигига кўра, аввалги режални ишлар рўйхатига киритаман. Рўйхатимдаги вазифаларни бажаргач, ўчириб қўяман. Бу ўз ишимдан қониқиб хиссини уйғотиб, мени навбатдаги ишлар сари гайратлантиради, ўзгача руҳ, қувват бағишлайди. Қолаверса, тўғри тузилган режа юқори кўрсаткичга эришишга замин яратади.

Хўш, спортчининг муваффақиятида вақтни режалаштириш қандай ўрин тутаети?

— Вақтни тежашнинг энг оддий усули режа тузиш, бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш гаровидир, — дейди тажрибали jismoniy тарбия мураббийи, Қашқадарё вилояти ХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси Камол Алиқулов. — Кейинги пайтлари «тайм менежмент» ибораси тилимизда, хусусан, спортчилар орасида тез-тез қўлланилаётгани бежиз эмас. Унинг вазифаси кундалик бажариладиган асосий ишлар кетма-кетлигини аниқлаш, биринчи галдаги вазифани иккинчи даражаларидан ажрата билишга қаратилган. Рўйхатдаги ишлар тартиби уларнинг даражасига боғлиқ бўлиб, спортчи кун тартибини тизимли олиб бормас экан, ундан бирор натижа чиқиси даргумон. Шунингдек, спортчи режасидаги тинимсиз машғулотлар ораллигида дам олиш, хордик чиқаришни ҳам назардан қочирмаслик зарур. Ҳар бир кун ва ҳафта тугаллангач, амалга оширилган ишлар сарҳисобидан келиб чиқиб хулоса чиқариш маслаҳат берилади. Муайян хулосалар олдинга қўйиладиган янги вазифалар режаси учун дебоча бўлади.

Режасиз иш — қолпсиз г'isht демакдир. Нимани қачон амалга оширишни нazorat қилиб, белгиланган вазифани ўз вақтида, ўша куннинг ўзига бажариши қутилган натижани беради. Вақтдан унумли фойдаланиш учун фойдасиз ўтаётган қимматли сонияларни тежай билиш зарур. Шунини унутмаслик керакки, ҳар бир қабул қилинган нотўғри қарор вақт кушандасидир.

Нилуфархон ЗАРИПОВА,
ЎзДСМИ талабаси

Жуманазарова Гулжаҳон Умурузқованин 10.00.01 — Ўзбек тили ихтисослиги бўйича (филология фанлари) «Фозил Йулдош ўғли достонлари тилининг лингвопозитикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил) мавзусидаги (DSc) докторлик диссертациясининг ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017 Fil.19.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 27 июль кунни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-ўй.
Тел.: (0-371) 246-63-58; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz.

Анданиязова Дилрабо Рўзиқулованин 10.00.01 — Ўзбек тили ихтисослиги бўйича «Бадий матндо ономастик бирликлар лингвопозитикаси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017 Fil.19.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 27 июль кунни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-ўй.
Тел.: (0-371) 246-63-58; e-mail: tdutau_nazorat@edu.uz.

Мадалиев Абдулла Ахмедовичин 08.00.13 — Менежмент ва 08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти ихтисосликлари бўйича «Иқтисодиётни бошқаришда инсон омиллини фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 25 июль кунни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-ўй.
Тел./факс: (0-371) 232-64-21, 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Рўзиева Моҳичехра Ёқубованин 10.00.08 — Фольклоришунослик ихтисослиги бўйича «Ўзбек халқ қўшиқларида ранг символлиги» (филология фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 28 июль кунни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: Тошкент шаҳри, Шахрисабз торкўчаси, 5-ўй.
Тел.: (0-371) 233-36-50; e-mail: uztafi@akademy.uz.

Асадов Мақсад Ҳусеновичин 10.00.02 — Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича «Ўзбек мумтоз шеърлигида риндон маъно ва лирик қаҳрамон характери» (филология фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 28 июль кунни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: Тошкент шаҳри, Шахрисабз торкўчаси, 5-ўй.
Тел.: (0-371) 233-36-50; e-mail: uztafi@akademy.uz.

Хамжихатлик маскани

Маҳалла институтининг ҳаётимиздаги ўрни ва куфузи тобора ошиб бораётгани жойларда маънавий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Буни Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Қумқишлоқ маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.

3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи маҳаллада хусусий тadbirkorлик, томорқачилик, инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандлик дастурлари ижроси доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

— Маҳаллаимизда тadbirkor, фермер ва хунармандлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда, — дейди "Қумқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Шухрат" медали соҳиббаси Шаҳодат Ўсарова. — Уларнинг ташаббуси билан

ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Хусусан, яқинда аҳолининг қурилиш жиҳозларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, тadbirkor Анваржон Шокиров ўз хонадониде алюмин профилли эшик ва ром ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. "Эргашали замин саховати" фермер хўжалиги кўмағида Катта Фарғона каналида пиёдалар учун мўлжалланган 50 метрли кўприк қурилди.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



Замонавий дам олиш мажмуаси

Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги "Камалак" аква боғи шу кунларда таътилни мароқли ўтказаятган болалар билан янада гавжум.

Замонавий боғ ҳудудиде 3 чўмилиш ҳавзаси, сузишга мўлжалланган айланма анҳор, фавворалар ва турли кўнгилочар аттракционлар мавжуд. Тиббий хизмат

кўрсатиш хонаси, музқаймоқ ва салқин ичимликлар дўкони дам олувчилар хизматида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, фан ва маданият
ходимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши.

Бosh муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-715. Tiraji 34528.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



9 772010 443009

«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
boshish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Qurbonboy MATQURBONOV.

Navbatchi:

Bobonurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 21.20 Topshirildi — 23.10

1 2 3 5 6